

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА МАВЖУДА

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

5А 140901 - Касб таълими (Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди

«__» _____ 201_ йил

Кафедра мудири _____
и.ф.н., доц. Д. Эшонхўжаев

Илмий раҳбар _____
и.ф.н., доц. Р. Ботирова

Мундарижа:

Кириш.....	3
I-боб. Асосий воситалар ҳисоби ва унинг долзарб масалалари	
I.1. Асосий воситалар ҳисобнинг ҳамияти ва ташкил этилиши.....	7
I.2. Асосий воситаларнинг баҳоланиши ва қайта баҳоланиши.....	24
I.3. Асосий воситалар амортизацияси усуллар ва уларнинг қўлланиши муаммолари.....	27
II-боб. Асосий воситаларнинг ҳисоби мавзусини ўқитишнинг долзарб масалалари	
II.1. Бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишда мавзунинг ўрни.....	44
II.2. Мавзуни ўқитишнинг ахборот базаси.....	51
II.3. Мавзуни ўқитишда илғор педагогик технологияларнинг роли.....	55
III-боб. Асосий воситалар ҳисоби мавзусини ўқитиш методикаси	
III.1. Маъруза машғулоти методикаси.....	75
III.2. Амалий машғулоти методикаси.....	88
III.3. Масалалар ва тестлар.....	101
Хулоса ва таклифлар.....	114
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	117

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш – иқтисодийнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишли эканлиги ҳозирги кундаги асосий эътибор қаратилаётган долзарб масалалар қаторида турибди.

Мамлакатимизда корхоналар фаолиятида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида улар фаолияти мўътадиллиги таъминлашнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналар фаолияти давомида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланишлари ривожланиш истиқболларини белгилайди.

Асосий воситалар - ҳар қандай корхонанинг, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг моддий-техника базасидир. Аниқроғи асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган бошқа меҳнат воситалари ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, қайсидир бир объектни асосий воситалар таркибига киритиш учун, у мустақил равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигини назарда тутиш керак.

Бухгалтерия ҳисоби фанининг ДСТ ва намунавий дастурлари асосида асосий воситалар ҳисобининг ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби жараёнлари билан шуғулланиш, мавзунинг ўқув юртлигида ўқитишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, тадқиқот ишимиз долзарблигини кўрсатиб беради.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши жараёнида корхоналарда асосида асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби

билан боғлиқ масалалар иқтисодчиларимиз Д. Ғозибеков, А. А. Ваҳобов, И. Абдукаримов, М. Пардаев, Б. Исроилов, О. Собиров, А. Мўминов, О. Қулжонов, Ғ. Набиев, М. Марпатов, А. Каримов, Ф. Ғуломова, И. Завалишина. З. Маматов, О. Бобожонов, М. Умарова, А. Пардаев, Э. Ғадоев, Н. Ҳасанов, Л. Югай, Л. Ким, А. Ванюшина ва бошқа бир қатор иқтисодчилар томонидан тадқиқи қилинган.

Ўқитиш жараёнида педагогик технологияларни қўллаш масалалари эса Д. Тожибаева, Н. Сайидахмедов, Н. Азизхўжаева каби олимлар томонидан ўрганилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади талабаларга “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-БҲМС) асосида асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби” мавзусини янги педагогик технологиялар асосида ўргатишни такомиллаштиришдан иборат. Бу мақсадларга эришиш учун қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- 5-сонли БҲМС нинг мазмуни ва унда асосий воситалар кириб келишининг ҳисобини ёритиб бериш;
- 5-сонли БҲМС га асосан асосий воситалар чиқиб кетишининг ҳисоби юритилиши жараёнларини кўрсатиб бериш;
- Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот мазмун-моҳиятини очиб бериш;
- Янги педагогик технологиялар, интерфаол стратегиялар ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш;
- Маъруза машғулотлари ва амалий машғулотларда интерфаол стратегияларни қўллаш;
- Талабаларнинг мавзу бўйича мустақил ишлашини ташкил этиш.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асослари.

Тадқиқотнинг назарий асосларини иқтисодий адабиётлар, монографиялар, иқтисодий вақтли оммавий матбуот воситаларидаги мақолалар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари (5-БХМС), Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Президент фармонлари, қарорлари ва И.А.Каримовнинг асарларида олға сурилган илмий-иқтисодий ғояларга суянган ҳолда тадқиқ этилади.

Тадқиқотнинг предмети ва объекти. Тадқиқотнинг предмети бўлиб бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга мавзуни ўқитишда янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалалар хизмат қилган. Тадқиқот объекти сифатида “Наманганмаш” ОАЖ молиявий-хўжалик фаолияти ва ўқув юртларидаги таълим жараёни олинди.

Тадқиқотни амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг амалий натижалари биз тадқиқ қилаётган мавзуни касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ўқитиш даражасини оширишга, мавзу бўйича изланишлар олиб бораётганларга ўзига хос йўналишларга эга қўлланма сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотни таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида танланган диссертация мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади ва амалий аҳамияти очиқ берилди.

Биринчи бобда, асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва у билан боғлиқ долзарб масалалар ёритиб берилган.

Иккинчи бобда эса, мавзуни ўқитиш услубий ва долзарб масалалари ёритиб берилган.

Учинчи бобда асосий воситалар ҳисоби мавзусини ўқитишнинг методикаси яратилган.

Хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, интернет сайтлари
магистрлик диссертацияси якунидан ўрин олган.

1-боб. Асосий воситалар ҳисоби ва унинг долзарб масалалари.

1.1. Асосий воситалар ҳисобининг аҳамияти ва ташкил этилиши.

Маълумки, 2008 йилда АҚШ ипотека кредитлаш тизимида бошланиб, кўплаб ривожланган мамлакатларнинг молия тизимини ишдан чиқарган, кейинчалик иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳага сезиларли таъсир кўрсатиб, катта талофатлар етказган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози вужудга келишининг дастлабки палласидаёқ Ўзбекистонда инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга ошириш бошлаб юборилган эди. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли асарида мазкур дастурда белгиланган қуйидаги комплекс чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган эди:

1) корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

2) жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш;

3) қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш;

4) электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш;

5) жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш¹.

Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4053-сон ли Фармони иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш бўйича қатор устивор вазифаларни белгилаб берди.²

1993 йилдан бошлаб амал қилаётган счётлар режасида асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибида катта ўзгаришлар киритилган. Шу давргача амал қилиб келган эски йўриқномаларга кўра асосий воситаларни фойдаланишга топшириш 0100- «Асосий воситалар» счётининг дебетида ва 8500- «Устав фонди» счётининг кредитда акс эттирилиб, уларнинг ҳисобдан чиқарилиши эса 8500-счётнинг дебети ва 0100-счётнинг кредитига ёзилар

¹ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 31-34-б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Т.: – 2010, 54-б.

эди. Чунки асосий воситалар қийматининг ошиши ёки камайиши билан боғлиқ бўлган барча муомалалар албатта корхонанинг устав фондининг миқдорига ўз таъсирини кўрсатар эди. Сабаби – корхоналарга капитал қўйилмаларни шу капитал қўйилмаларнинг мустақил балансида акс эттириш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилган бўлиб, қурилиши тугатилган асосий воситалар объектини асосий фаолият балансига ўтказишда капитал қўйилмаларнинг бухгалтерия ҳисобида қурилиш харажатлари мавжуд молиялаш манбаи ҳисобига ўтказилар (қопланар) эди. Шу билан бирга асосий фаолият ҳисобчилигида бу объектларнинг қиймати 0100-счётнинг дебитида акс эттирилар ва уларнинг қийматида устав фонди оширилар, яъни 8500-счёт кредитланар эди.

1993 йилдан бошлаб капитал қўйилмалар ва асосий воситалар ҳисобини юритиш тартиби анча ўзгартирилган бўлиб, капитал қўйилмалар, уларнинг катта-кичиклиги ва қурилиш ишларининг бажарилиши усулидан қатъий назар асосий фаолият балансида акс эттирилади. Лекин айрим корхоналар капитал қўйилмаларни мустақил балансга ажратиб қўйишлари ҳам мумкин.

Капитал қўйилмаларини ҳисобга олиш тартибига доир қоидага кўра бухгалтерия счётларининг режасида 0700-«Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» ва 0800-«Капитал қўйилмалар» деб номланган иккита махсус счётлар гуруҳи ажратилган. 0700 -«Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счётлари инвентарли, актив счётлар бўлиб унинг дебитида монтаж қилиш учун мўлжалланган мавжуд асбоб-ускуналарга ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг қолдиғи (сальдоси) ва янги тдан олиб келинган асбоб-ускуналарга ҳақиқатда сарфланган харажатлар акс эттирилади. Бу счётнинг кредитида монтаж қилина бошланган асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий таннархини ҳисобдан чиқариш акс эттирилади. Бундай ёзувлар учун асбоб-ускуналарнинг субъектга келтирилганлиги ва уларни йиғиш ва ўрнатишга топширилиши тўғрисидаги юк хатлар ва бошқа далолатномалар асос бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг ҳаракати устидан қуйидаги ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри тўлғазиш натижасидагина улардан самарали фойдаланиш мумкин.

Асосий воситаларнинг ҳаракати устидан қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида назорат ўрнатиш мумкин.

1. **АВ-1** шакли - «Асосий воситаларни қабул қилиш ва бериш акти» - асосий воситаларнинг кирим ва чиқимини қайд қилиш учун.

2. **АВ-2** шакли - «Таъмирланган, мукаммаллаштирилган ва реконструкция қилинган асосий воситаларни қабул қилиш ва топшириш далолатномаси»- объектларнинг бошланғич қийматининг ошишини қайд қилиш учун.

3. **АВ-3** шакли - «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш» объектларни тугатиш учун.

4. **АВ-4а** шакли - «Автотранспорт воситаларини тугатиш далолатномаси».

5. **АВ-7** шакли - «Асосий воситаларни ҳисобга олиш учун инвентар карточкалари» ҳар бир асосий воситанинг ҳолати ва ҳаракатини алоҳида қайд қилиб боради.

6. **АВ-8** шакли - «Асосий воситаларнинг ҳаракатини қайд қилиш карточкаси»- уларнинг кирим ва чиқимини ҳисобга олиб боради.

7. **АВ-9** шакли - «Асосий воситаларнинг инвентар рўйхати» уларнинг фойдаланиш жойлари бўйича ҳисобини ташкил қилиш учун ишлатилади.

Субъектга тегишли бўлган ишлатилаётган, захирадаги, консервациядаги ва ижарага берилган асосий воситаларнинг миқдори ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилган ҳолда 0100 - «Асосий воситалар» номли актив синтетик счётларнинг гуруҳида юқоридаги ҳужжатларга асосан ҳисобга олиб борилади.

0100-«Асосий воситалар» счётида қуйидагилар ҳам ҳисобга олиб борилади:

а) субъектга фойдаланиш ҳуқуқи берилган ўрмон ва сув хавзалари, ер участкалари ва конлар учун сарфланган инвентар хусусиятидаги капитал қўйилмалар;

б) ижарага олинган асосий воситалар учун сарфланган тугалланган ишлар натижаси бўйича харажатлар.

Асосий воситалар бошланғич қийматда ҳисобга олиб борилиб, алоҳида объектлар учун уларнинг бошланғич қиймати қуйидагича аниқланади:

а) таъсис этувчиларнинг субъектга қўшган асосий фондлари – ўзаро келишилган баҳода;

б) субъектнинг ўзида ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш таннари ёки сотиб олиш баҳосига ташиб келтириш ва ўрнатиш харажатларини қўшиб ҳақиқий таннархда;

в) бошқа шахслардан текинга олинган асосий воситалар, эксперт томонидан белгиланган ёки далолатномада кўрсатилган баҳода.

Янги корхона қуриш, асосий воситаларни сотиб олиш, конструкциясини ўзгартириш, модернизация қилиш ва мослаштириш учун сарфланган маблағларни ҳисобга олишда алоҳида актив счётларнинг,

0700-«ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счётлари ва

0800-«Капитал қўйилмалар» счётлари гуруҳидан фойдаланилади.

0700-счёт бўйича иккита субсчёт юритилади: 0710 - «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» ва 0720-«Чет элдан келтирилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар».

Субъектга келиб тушган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар учун тўлов талабнома-топшириқ акцептланганда 0710 ва 0720 счётлари дебетланиб, 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти кредитланади. Шу асбоб-ускуналарни етказиб берганлик (транспорт хизматлари) учун 6890-«Бошқа мажбуриятлар» счёти тегишли хизматларнинг суммасига кредитланади.

Шу асбоб-ускуналарни тушириб берганлиги учун ишчиларга меҳнат ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобланганда 0710 ва 0720-счётлари дебетланиб, 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ва 6520-«Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» счётлари кредитланади.

Таъсисчилар томонидан субъектнинг устав капиталига ўз бадаллари сифатида топширилган асбоб-ускуналарнинг қиймати ҳам 0710 ва 0720-счётларининг дебети ва 4710-«Устав капиталига улушлари бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг кредитига ёзилади.

Йиғиш ва ўрнатиш учун (монтажга) топширилган асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий қиймати ҳисобдан чиқарилганда 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счёти дебетланиб, 0710 ва 0720-счётлари кредитланади, шу асбоб-ускуналар сотилса, 9220-«Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимлари» счёти дебетланиб, 0710 ва 0720-счётлари кредитланади, уларнинг мустақил балансга ажратилган филиалларга берилиши – 4110-«Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинadиган счётлар» счётининг дебети ва 0710 ва 0720-счётларининг кредитига ёзилади.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби материаллар ҳисобига ўхшаб кетади ва уларнинг ҳисоби ҳам омбор карточкалари ва 10-сонли қайдномада юритилади.

Иморат ва иншоотларни қуриш, асбоб-ускуналарни ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш 0800 - «Капитал қўйилмалар» деб номланган актив ва калькуляциялаш счётларида юритилади. Бу гуруҳ қуйидаги счётлардан ташкил топган:

0810-«Тугалланмаган қурилиш»;

0820-«Асосий воситалар сотиб олиш»;

0830-«Номоддий активларни сотиб олиш»;

0840-«Асосий подани тузиш»;

0890-«Бошқа капитал қўйилмалар»;

0810-«Тугалланмаган қурилиш» счётида қурилишнинг қайси бир усули (пудрат ёки хўжалик)дан фойдаланилишидан, қатъий назар, иморатлар ва иншоотларни қуриш, асбоб-ускуналарнинг қиймати ва сметаларида смета – молия ҳисобларида ва капитал қурилишининг титуллик рўйхатларида кўзда тутилган бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» счётида монтаж талаб қилмайдиган асбоб-ускуналар, машиналар, анжомлар ва бошқа асосий воситалар объектини сотиб олиш харажатлари ҳисобга олинади.

0830-«Номоддий активларни сотиб олиш» счётида НМА сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ва белгиланган тартибга кўра номоддий активлар объектларининг дастлабки қийматига қўшиладиган харажатлар ҳисобга олинади.

0840-«Асосий подани ташкил қилиш» счётида қишлоқ хўжалиги ва ёрдамчи хўжаликларда асосий подаларни ташкил қилиш, вояга етган ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилган қиймати ёки уларни сотиб олиш ва олиб келиш сарфлари ҳисобга олинади.

0890-«Бошқа капитал қўйилмалар» счётида юқорида қайд қилинмаган капиталлаштириладиган сарфлар, ерларни ободонлаштириш, мулк бўйича олинган асосий воситаларни обдонлаштириш ва бошқа сарфлар ҳисобга олинади.

Асосий воситалар қийматига қўшилмайдиган харажатларга одатда ҳар хил манбалардан қопланадиган, қурилган ва сотиб олинган объектларга хизмат қиладиган кадрларни тайёрлаш харажатлари, давлат томонидан рухсат этилиб консервация қилинган объектларга сарфланган қурилиш харажатлари ва шу кабилар киради.

Ушбу капитал сарфлар амалга оширилгандан кейин комиссия томонидан тузилган «Асосий воситаларни қабул қилиш далолатнома» тузилиб субъектнинг мулки сифатида қабул қилинади ва уларнинг қиймати 0110-0190

счётларининг дебетига 0810, 0820, 0840 ва 0890 счётларининг кредитидан қабул қилинади.

Капитал қўйилмаларнинг турлари ва таркиблари бўйича аналитик ҳисоб 18 ва 18/1 - сонли қайдномаларида юритилади. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклидан фойдаланаётган субъектларда капитал қўйилмаларнинг ҳисоби 10/1, 13 ва 16-сонли журнал-ордерларда юритилади.

**0800-счётларга тегишли бухгалтерия ёзувлари
қуйидаги тартибда амалга оширилади**

Счётларнинг кредити	Счётларнинг дебети
Дебет	Кредит
Тугалланмаган қурилишнинг қиймати.	Фойдаланишга топширилган -0110 - объектларнинг дастлабки 0190
0710- Монтаж қилина бошлаган 0720 асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий қиймати	қийматга қўшиладиган хара- жатларни ҳисобдан чиқариш
6010 Монтаж талаб қилин- 7010- майдиган асбоб- ускуналарни етказиб берганлиги учун мол етказиб берувчиларнинг тўлов ҳужжатларини акцептлаш	Фойдаланишга топширилган -9439 объектларнинг дастлабки қийматига қўшилмайдиган харажатларни ҳисобдан чиқариш
6010, Ààæàðèëääí □óðèèèø àà 1090, ì î í ðàæ èøèàðè ó÷óí 1220, òçèí â □óææàðèàðèí è àè- öäí òèàø	Қурилатган асосий 9439 воситалар объектларининг қийматига қўшиладиган зарарларнинг ҳисобдан чиқарилиши
6710, Қурилиш ва монтаж	

Счётларнинг кредити**Счётларнинг дебити****Дебет****Кредит**

1050,	ишларига	доир		
6520-	субъектнинг харжатлари			
0211-	Қурилиш,	монтаж	Ускуналарнинг	баҳосини -9439
0290,	ишларида	қатнашган	арзонлаштириш	
0510,	асосий воситалар, номод-			
1310-	дий активлар ва арзон			
	баҳоли ва тез эскирувчан			
	буюмларнинг эскириш			
	суммалари			
2310-	Ёрдамчи	ишлаб чиқа-	Тугалланмаган	ишлаб -4630
	ришнинг	қурилишга	чиқаришда	аниқланган ёки
	кўрсатган	хизматларини	камомад	9433
	ҳисобдан чиқариш			

Шундай қилиб, асосий воситаларни сотиб олиш, олиб келиш ва ўрнатиш харажатлари капитал қўйилмаларга ажратилган маблағлар амалга оширилиб албатта капитал қўйилмалар ҳисобида ҳам акс эттирилиши, яъни капиталлаштирилиши шарт. Лекин бундан умумхўжалик сметаси бўйича кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган ва корхона ҳамда ташкилотларнинг техника адабиётлари кутубхонасига келиб тушадиган китоблар ва ойномалар ҳамда «Асбоб-ускуналарни ва инвентарларни сотиб олиш» деб номланган бюджет туркумланишининг 13-моддаси бўйича болалар муассасаларига ажратилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган асосий восита(фонд)лар мустаснодир. Бунда асосий воситалар кирим қилинганда 0190-«Бошқа асосий воситалар» счётининг дебити ва қаердан

сарфланишига қараб тегишли пул маблағлари счётларнинг кредитида акс эттирилиб, капитал қўйилмалар ҳисоби орқали ўтказилмайди.

Активлардан фойдаланиш жараёнида сарфланган, яъни кейинги капитал қўйилмалар.

Асосий воситаларга сарфланган капитал қўйилмалар активнинг ҳолатини бошланғич баҳоланган меъёрий кўрсаткичларидан юқорирок даражада яхшилаб, келгусида олинadиган иқтисодий манфаатни оширишга олиб келиш эҳтимоли мавжуд бўлган тақдирдагина активнинг баланс қийматига қўшилади. Яхшиланиш натижасида иқтисодий манфаатдорликнинг ошишига олиб келувчи қуйидаги тадбирларни мисол қилиб келтириш мумкин:

а) активнинг фойдали фаолиятининг муддатини узайтириш билан бирга қувватини ошириш мақсадида реконструкция қилиш;

б) ускунада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, ушбу ишлаб чиқариш ускунаси қисмларининг сифатини ошириш;

в) асосий фаолиятнинг дастлабки баҳоланган харажатларини камайитишга олиб келадиган янги ишлаб чиқариш жараёнларини қўллаш.

Бошқа барча капитал қўйилмалар улар амалга оширилган даврда сарфлар сифатида тан олинishi керак.

Капитал сарфлари ёки капитал қўйилмалар деб асосий воситаларни ва бошқа узоқ муддатли фойдаланиладиган активларни сотиб олиш ва яратиш билан боғлиқ бўлган сарфларга айтилади. Ускуналарни таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатилиши, ёқилғи сотиб олиш харажатлари, яъни субъектнинг фаолияти учун зарур бўлган барча харажатлар нокапитал харажатларга ёки чиқимларга киритилади, чунки улар ушбу ҳисобот даврида даромад олиш учун сарфланган харажатларни ифодалайди.

Капитал қўйилмалар ва харажатларни қатъиян ажратиш зарур. **Капитал қўйилмалар** – бу баланснинг актив қисмида акс эттирилган сарфлардир ва бухгалтерия нуқтаи назаридан харажат ҳисобланмайди, **харажатлар эса** – бу

чиқим деб тан олинади ва маҳсулот, иш ёки хизматнинг таннархига олиб борилади.

Асосий воситаларни, табиий ресурсларни ва номоддий активларни сотиб олиш сарфларидан ташқари капитал қўйилмалар, асосий воситаларнинг ўсиши ва уларни такомиллаштириш сарфларини ҳам ўз ичига олади. **Асосий воситаларнинг ошиши** – деб ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ошиши ҳисобланади. Агарда бинога янги қанот қурилса ва бир неча йилдан сўнг сарфлардан даромад олинishi кутилса, ушбу қанотни қуришга кетган сарфлар «Бино» счётининг дебетида акс эттирилади. Одатдаги харажатларга жорий таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, мойлаш, тозалаш, қараб туриш тўловлари, яъни ускунани ишчи ҳолатида ушлаб туриш учун зарур бўлган харажатлар киради.

Активларни қуриш жараёнида қарз бўйича фоизларининг капитализацияси.

Биноларни қуриш жараёнида қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар баъзи ҳолларда капиталлаштирилади. Фоизларни капиталлаштириш мураккаб ва қарама-қарши бўлган муаммо ҳисобланади. Эса тутиш керакки, монтаж қилинмайдиган (йиғилмайдиган) активни сотиб олишда, фойдаланилган қарз мажбурияти бўйича фоизлар капиталлаштирилмайди, чунки бундай актив тайинланиш шаклига эга бўлган ҳолатдадир. Бу ҳолда фоизлар молиявий харажатларни ифодалайди ва сотиб олинган актив бўйича иқтисодий манфаатнинг ортишига олиб келмайди. Сотиб олинган активлар шу захоти даромад келтирувчи ишга жалб қилиниб, сотиб олиш учун ишлатилган маблағлар бўйича фоизлар билан таққосланади.

Аксинча, активларни кўриш жараёнида пайдо бўлган фоизларни тўлаш харажатларини кўпчилик иқтисодчилар активни ишга тайёрлаш учун зарур бўлган харажатлар сифатида қарайдилар. Шу нуқтаи назардан, актив, уни ишга тушириш ишлари тугамагунича даромад келтира олмайди, шунинг учун активнинг яратилиши жараёнида ҳисобланган фоизларни капиталлаштириш

зарур. Капиталлаштирилган фоизлар кейинчалик амортизация суммасининг бир қисми сифатида ҳисобдан чиқарилади.

Ҳақиқий фоиз харажатларини капиталлаштириш тўғрисидаги тортишувларга қарамай альтернатив харажатлар воситаларни ўзининг кучлари билан қуриш учун маблағлардан фойдаланиш натижасида юзага келади. Баъзи бир бухгалтерлар исботлайдиларки, агарда ушбу маблағларнинг манбалари қарз бўлмасдан таъсисчиларнинг улуш маблағлари бўлса, унда тааллуқли бўлган фоиз ставкаси, аниқроғи тахмин қилинаётгани, ҳар ҳолда ҳақиқий фоизлар қийматини лойихага ўтказишда фойдаланилади. Ҳар қандай молиялаштириш, уларнинг тасдиғига, харажатлар деб тушунилади.

Коммунал хизматларини бажарувчи субъектлар анъанавий ҳолда қурилиш жараёнларидаги фоизларни капиталлаштирадилар. Агарда, қурилишга тааллуқли фоизлар жорий харажатлар сифатида ҳисобга олинса, коммунал хизматининг истеъмолчилари қўшимча харажатларни қоплаш учун юқорироқ тўлов тўлашади. Ҳақиқатдан ҳам, бугунги истеъмолчилар келгуси истеъмолчиларга фойда келтирадиган ускуналарни молиялаштирадилар. Қурилаётган активларнинг таннархига фоизларни (ҳақиқийсини ҳам, қўшиб ёзилганларини ҳам) қўшиб, (шундай йўл билан келгусидаги амортизация ажратмаларини оширадилар) активлардан фойдаланишдан манфаат оладиган келажакдаги истеъмолчилар, бу активлар яратилганида йиғилган фоизларни ва мос коммунал хизматларини ҳам тўлайдилар.

Фоизларни капиталлаштиришнинг асосий сабаби шундан иборатки, қурилиш жараёнида фоизлар активни фойдаланиш ҳолатига келтириш учун зарур бўлган харажатларнинг турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун капиталлаштирилган фоизлар активнинг бошланғич қийматининг бир қисми ҳисобланади. Қурилиш жараёнида, фоизлар капитализациясининг мавжуд бўлмаслиги, қурилиш даврида даромаднинг нотўғри ошиб кетишига

ва келгуси даврларда амортизация ажратмаларининг камайиши натижасида даромаднинг ошишига олиб келар эди.

Фойдаланишга топширилган асосий воситалар маълум тартиб ва қоидага кўра субъектнинг раҳбарининг буйруғи билан тайинланган комиссия томонидан қабул қилиб олинади. Комиссия таркиби одатда бош механик, қурилиш бўйича мутахассис, техника бўлимининг вакили, хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис, бухгалтерия ходими ва объектни қабул қилувчи цех ёки бўлимнинг бошлиғидан иборат бўлади.

Ушбу тадқиқот ишимизни бажариш мобайнида биз амалий таҳлилий маълумотларни Наманган шаҳрида жойлашган “Наманганмаш” очик акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ ҳолда бажарамиз.

Мамлакатимиз мустақиллигини кўлга киритгандан сўнг миллий иқтисодиётнинг мавжуд тармоқлари янгиланди ва модернизация қилинди, янада янги тармоқлар ташкил қилинди. Мамлакатимиз машинасозлик тизими корхоналари ҳам ўз навбатида бир қатор ислохотларга юз тутди. Бу тармоқда ўз ўрнига эга бўлган “Наманганмаш” очик акциядорлик жамияти ҳам мустақиллик йилларида ривожланишга юз тутган корхоналардан биридир.

Жамиятнинг умумхўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

1.1.-жадвал
“Наманганмаш” АЖ умумхўжалик фаолияти тўғрисида маълумот³
минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2008 й	2009 й	2010 й	2009 й.ни 2008 й. га		2010 й.ни 2009 й. га	
					н-н	н-н	н-н	н-н
					+/-	%	+/-	%
1.	Сотилган маҳсулот (иш, хизматлар) нинг ҳажми	1837526	2378525	3229166	540999	129,4	850641	135,8
2.	Сотилган маҳсулот таннархи	1414645	1958289	2600893	543644	138,4	642604	132,8
3.	Сотишдан олинган даромад	422881	420236	628273	-2645	99,4	208037	149,5
4.	Бошқа сарфлар	352134	451365	619453	99231	128,2	168088	137,2
5.	Бошқа даромадлар	71063	40428	120716	-30635	56,9	80288	3 марта

³ Ушбу жадвал корхона маълумотлар муаллиф томонидан тузилди.

6.	Тўланган солиқ ва тўловлар	29355	8247	31757	-21108	28,1	23510	4 марта
7.	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	112455	1052	97779	-111403	0,9	96727	93 марта

Жавдал маълумотларидан кўришиб турибдики, жамият томонидан 2010 йилда сотилган маҳсулот (иш, хизматлар) нинг ҳажми 3229166 минг сўмни ташкил қилиб, бу ўтган йилга нисбатан 135,8 фоизга ўсган. 2009 йилда бу йўналиш бўйича ўсиш суръати 129,4 фоизга тенг бўлган.

Жамият томонидан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи 2010 йилда 2600893 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 132,8 фоизга ёки 642604 минг сўмга кўпайган. 2009 йилда эса бу йўналиш бўйича ўсиш суръати 138,4 фоизга тенг бўлган.

2010 йилда жамият маҳсулот (иш ва хизматлар) ни сотишдан жами 628273 минг сўм даромад олган бўлиб, бу олдинги йилга нисбатан 149,5 фоизга ўсиш демакдир. 2009 йилда бу йўналиш бўйича ўзгариш суръати 99,4 фоизга тенг бўлган.

Ҳисобот даврида жамият томонидан олинган соф фойда ҳажмига эътибор қаратадиган бўлсак, 2009 йилда жамият томонидан олинган соф фойда бошқа йилларга нисбатан жуда кам кўрсаткичга эга бўлган. Яъни 2008 йилда жамият томонидан 112455 минг сўм, 2009 йилда 1052 минг сўм ва 2010 йилда эса 97779 минг сўм соф фойда кўрилган.

2009 йилда жамиятда бошқа таҳлил қилинаётган йилларга нисбатан бошқа харажатларнинг, хусусан давр харажатларининг кўпайиб келганлиги ва жамият бошқа даромадларининг камайиб кетганлиги соф фойда ҳажмининг бу қадар камайиб кетишига сабаб бўлган.

“Наманганмаш” АЖ нинг баланс таҳлилини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

“Наманганмаш” АЖ нинг баланс маълумотлари таҳлили⁴

минг сўмда

№	Мол-мулки ва активлари	2009 йил	2010 йил	Фарқи (+/-)	Суръати, %	№	Ўзлик маблағлари ва мажбуриятлар и	2009 йил	2010 йил	Фарқи (+/-)	Суръат и, %
1	Узоқ муддатли активлар	249884	222873	-27011	89,2	1	Ўз маблағлари манбалари	655947	727509	71562	110,9
2	Жорий активлар, шу жумладан	1071284	1103083	31799	103,0	2	Мажбуриятлар, шу жумладан	665221	598447	-66774	90,0
-	Товар- моддий захиралари	760340	730068	-30272	96,0	-	Узоқ муддатли мажбуриятлар	0	17000	17000	x
-	Пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйилмалар	11689	15384	3695	131,6	-	Кредиторлик мажбуриятлар	665221	581447	-83774	87,4
-	Дебиторлар	299255	357631	58376	119,5						
	Баланс активининг ЖАМИ	1321168	1325956	4788	100,4		Баланс пассивининг ЖАМИ	1321168	1325956	4788	100,4

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, жамиятнинг баланс киймати 2010 йилда ўтган йилга нисбатан 4788 минг сўмга ёки 100,4 фоизга кўпайган. Жадвал маълумотларига асосан баланс активига эътибор қаратсак, баланс активининг 100,4 га кўпайишига жамият жорий активларининг 103 фоизга ортганлиги таъсир кўрсатган чунки 2010 йилда ўтган йилга нисбатан узоқ муддатли активлар миқдори сезиларли камайган.

Баланс пассиви бўйича 100,4 фоизга ўсишни таъминлашга икки омил сабаб бўлган:

1. Жамият мажбуриятларининг 10 фоизга камайганлиги;
2. Жамият ўз маблағлари манбаларининг қарийб 11 фоизга ортганлиги.

Ушбу жадвал маълумотлари асосида жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Хусусан, 2010 йилда жамиятнинг дебиторлик мажбуриятлари 120 фоизга ёки 58376 минг сўмга кўпайган ва жами 357631 минг сўмни ташкил

⁴ Ушбу жадвал корхона маълумотлар муаллиф томонидан тузилди.

қилган. Жамият кредиторлик қарзлари камайиши кузатилади. Хусусан, 2010 йилда жамиятнинг кредиторлик қарзлари 83774 минг сўмга ёки ўтган йилга нисбатан 12,6 фоизга камайиб, жами ҳажми 581447 минг сўмни ташкил қилган.

“Наманганмаш” АЖ нинг хўжалик фаолиятида асосий воситаларнинг аҳамияти жуда катта. Биз қуйида келтириладиган жадвал маълумотлари асосида жамиятнинг асосий воситалари таркиби, тузилиш ва динамикасига баҳо беришимиз мумкин.

1.3.-жадвал

**“Наманганмаш” АЖ нинг асосий воситалари таркиби, тузилиши
ва динамикаси ўзгаришлари таҳлили**

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		Ўзгариши	
		Сумма	Салмоғи	Сумма	Салмоғи	Сумма	Салмоғи
1	Бинолар	80235	40,8	65024	37,9	-15211	-2,9
2	Иншоотлар	24695	12,5	16007	9,3	-8688	-3,2
3	Ўзатиш мосламалари	2263	1,1	1491	0,9	-772	-0,3
4	Машина ва ускуналар	53560	27,2	58635	34,1	5075	6,9
5	Мебел ва офис жиҳозлари	1059	0,5	753	0,4	-306	-0,1
6	Офис техникалари	3394	1,7	2914	1,7	-480	0,0
7	Транспорт воситалари	30341	15,4	24671	14,4	-5670	-1,1
8	Бошқа асосий воситалар	1248	0,6	2254	1,3	1006	0,7
	Жами	196795	100,0	171749	100,0	-25046	0,0

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2010 йилда жамият асосий воситалари олдинги йилга нисбатан 25046 минг сўмга камайган.

Асосий воситалар таркиби ўзгаришига эътибор қаратсак, жами асосий воситалар таркибида биноларнинг улуши 2,9 пунктга, иншоотларнинг улуши 3,2 пунктга, ўзатиш мосламаларининг улуши 0,3 пунктга, транспорт воситалари улуши 1,1 пунктга ва мебел, офис жиҳозларининг улуши 0,1

пунктга камайган бўлса, машина ва ускуналарнинг улуши 6,9 пунктга ҳамда бошқа асосий воситаларнинг улуши 0,7 пунктга кўпайган.

Жорий йилда машина ва ускуналарнинг ошганлиги жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиради. Чунки машина ва ускуналар тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришда қатнашадиган воситалар туркумига киради.

Асосий воситаларни актив ва пассив воситаларга таркиблашда асосий жиҳат уларни маҳсулот ишлаб чиқаришдаги бевосита иштирокига қаратилади. Актив асосий воситалар деб маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита ва билвосита қатнашувчи асосий воситаларга айтилади⁵.

Ишлаб чиқариш учун шароит яратиб берувчи асосий воситалар эса пассив асосий воситалар сифатида қаратилиб, уларнинг таркибига бевосита бинолар, иншоотлар, ерлар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) қиймати ва бошқалар киритилади⁶.

Таҳлил қилишда жами асосиц воситаларнинг таркибида уларнинг салмоғи даражаларига баҳо берилади ва ўзгаришлари ўрганилади.

1.4.-жадвал

“Наманганмаш” АЖ нинг актив ва пассив асосий воситалари

таҳлили

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		Ўзгариши	
		Сумма	Салмоғи	Сумма	Салмоғи	Сумма	Салмоғи
1	Жами асосий воситалар	196795	100,0	171749	100,0	-25046	0,0
2	актив асосий воситалар	191896	97,5	167304	97,4	-24592	-0,1
3	пассив асосий воситалар	4899	2,5	4445	2,6	-454	0,1

⁵ Ваҳобов А., Иброҳимов А., Ишонқулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик жамияти, 2005 йил, 292-бет.

⁶ Ваҳобов А., Иброҳимов А., Ишонқулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик жамияти, 2005 йил, 292-бет.

Жадвал маълумотларига асосланадиган бўлсак, 2010 йилда актив асосий воситаларнинг жамидаги улуши 0,1 пунктга камайган ва шунга муносиб равишда пассив асосий воситалар улуши 0,1 пунктга кўпайган.

1.2. Асосий воситаларнинг баҳоланиши ва қайта баҳоланиши.

Асосий воситалардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, уларни баҳолашда қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олиш зарур.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС)га мувофиқ қийматнинг қуйидаги тушунчалари мавжуд.

Асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш, ишлаб чиқариш ёки ҳолатини яхшилаш учун тўланган сумма, асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш, ишлаб чиқариш ёки ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ тўғридан-тўғри харажатларни, жумладан ундан мақсадли фойдаланиш учун зарур бўлган ўрнатиш ва синаб кўриш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади.

Тарихий қиймат (сотиб олиш қиймати) – ўзаро боғлиқ бўлмаган томонлар ўртасидаги муомаланинг натижаси бўлиб, объектив ва ишончли ҳисобланганлиги сабабли ишлатилади. Сотиб олиш қийматида активни сотиб олиш ва фойдаланишга тайёрлаш мақсадида амалга оширилган пул маблағлари (ёки унинг эквивалентлари)нинг чиқими ҳисобланади.

Активлар пулсиз тўлов эвазига сотиб олинганида, улар ёки берилган активнинг бозор қиймати бўйича ёки сотиб олинган активнинг бозор қиймати бўйича инобатга олинади (бунда қайси бир қийматнинг холисроқ аниқланишига қараб). Асосий воситаларни айрбошлаш, кейинроқ кўриб чиқиладиган принципдан истиснони ўз ичига олади.

Тарихий қийматдан ташқари, баҳоланишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлиб, улар кўп ҳолларда фойдаланилмайди. Масалан, **алмашув қиймати** (кирим қийматини ҳисоблаш), соф **реализация қиймати** (ҳисобдан чиқариш

қийматини ҳисоблаш) ва баҳо даражасининг қиймати (жорий қийматни ҳисоблаш).

Активлар сотиб олинаётганда счёт-фактура баҳосига қўшиладиган харажатлар амалга оширилади (чегирмалар айирмасидан ташқари). Бу харажатлар ўз ичига қопланадиган эгри солиқлар, мулкнинг эгалари томонидан тўланадиган мулк солиқлари, суғурта бадаллари, мулк ҳуқуқлари, мулкни рўйхатдан ўтказиш харажатлари, комиссиян тўловларни ўз ичига олади. Бу харажатлар активдан манфаат олиш учун уларни фойдаланишга тайёрлашда зарурдир. Бу харажатларнинг ҳаммаси капиталлаштирилади.

Монтаж қилишни талаб қилмайдиган активларни сотиб олишда фойдаланилган қарзлар бўйича харажатлар (қарз фоизлари) капиталлаштирилмайди, чунки актив фойдаланишга тайёр ҳолда турибди.

Активларни баҳолашнинг умумий принциплари асосий воситаларни харид қилиш ҳолатлари ва усулларига боғлиқ бўлмайдилар. Чунки улардан узоқ муддат фойдаланилиб, ўз қийматларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархига аста-секин ўтказиб боради. Шу ўтказилган қийматни, яъни асосий воситаларнинг эскириш қийматини (суммасини) бутун фойдаланиш даврида тўғри аниқлаш ва мавжуд асосий воситанинг мазкур санагача қанча эскирганлигини аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисобида улар қийматининг доимийлигини сақлаш талаб қилинади. Шунинг учун мавжуд бухгалтерия ҳисоботлари ва баланси тўғрисидаги стандартларга кўра асосий воситалар фойдаланишга топширилгунга қадар бўлган баҳода, яъни дастлабки қиймати асосида ҳисобга олинади. Дастлабки қиймат асосий воситаларни сотиб олиш ёки куриш, ҳамда уларни олиб келиш ва ўрнатишга кетган барча харажатларни ўз ичига олади ва асосий воситаларни ҳисобга олишда ҳам қўлланилади. Маълумки, халқ хўжалигида фойдаланиладиган асосий воситалар давримизнинг турли вақтларида ишлаб чиқарилган ва фойдаланишга топширилган. Уларнинг ичида бундан бир неча ўн йиллар давомида фойдаланиб

келинаётганлари ҳам мавжуд. Шунинг учун унумдорлиги, меҳнат ҳақи сарфлари ва материалларнинг таннархлари ҳар хил бўлган бошқа-бошқа даврларда ишлаб чиқарилган бир хилдаги меҳнат воситаларининг қиймати ҳам ҳар хил бўлади.

Бир хил вазифани бажарувчи, лекин турли даврларда яратилган бир турдаги асосий воситалар ҳар хил дастлабки қийматга эга бўлганлиги сабабли, уларнинг бир давр (ой, йил) ичида эскириш қиймати ва амортизация суммасининг аниқланиши ҳам ҳар хил бўлади. Бу эса ушбу асосий воситаларнинг ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархининг ҳар хил бўлишига ва иқтисодий нуқтаи назардан нотўғри хулосаларга олиб келишга сабаб бўлади. Мана шундай хулосаларга йўл қўймаслик мақсадида асосий воситаларнинг баҳолари давлатнинг қарорига асосан вақти-вақти билан умумий равишда қайта тикланиб (баҳоланиб) турилади, яъни қайтадан баҳоланаётган асосий воситаларга янги нархлар белгиланаётган пайтида (шароитда) худди шундай асосий воситаларни ишлаб чиқариш неча пулга тушса, мана шу қиймат тиклаш қиймати сифатида белгиланади.

Собиқ иттифоқ даврида асосий воситаларнинг нархлари 1925, 1945 (қисман), 1960, 1972 ва 1990 йилларда қайта тикланган.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нарх-наволарнинг тез-тез ўзгариб туриши сабабли асосий воситаларнинг нархларини ҳам қисқарок муддатларда қайтадан кўриб туришни тақозо этади.

Ушбу талабни инобатга олиб Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 декабрдаги 500-қарори билан «Асосий воситаларни 2001 йил 1 январ ҳолатига қайта баҳолаш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқланди ва 2001 йил 19 февралда 1008-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди. Ушбу Низом 2001 йил 1 мартдан кучга кирди.

Асосий воситаларни баҳолаш принципи, мулкчиликнинг барча турлари учун бир хилдир. Лекин асосий воситаларнинг дастлабки қиймати фақат

уларнинг нархлари қайтадан баҳоланганда, қўшимча асбоб-ускуна ўрнатилганда, реконструкция қилинганда ва тегишли объектлар қисман тугатилгандагина ўзгартирилиши мумкин.

Маълумки, бухгалтерия балансида асосий воситаларнинг қиймати икки хил нархларда, яъни дастлабки ва қайта тикланган қийматларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, уларнинг умумий суммаси асосий воситаларнинг баланс қиймати деб номланади.

Бухгалтерия ҳисобида шунингдек асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ҳам мавжуд. У асосий воситаларнинг баланс қиймати билан уларнинг эскириш суммаси ўртасидаги фарққа тенг бўлади.

Бухгалтерия балансининг активида ҳозирги пайтда асосий воситаларга тегишли бўлган учта қуйидаги маълумот келтирилади: асосий воситаларнинг баланс қиймати, уларнинг шу санага бўлган эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати. Бунда баланснинг якуний суммасига фақат қолдиқ суммаси қўшилиб, асосий воситаларнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси маълумотнома (ахборот) учунгина келтирилади.

Асосий воситалар бир неча йўллар билан сотиб олинади ва айрим ҳолларда текинга олинади:

- пул маблағлари эвазига;
- кредитга;
- сотиб олувчи компания капиталининг акцияларига алмашиш орқали;
- қурилиш йўли билан;
- бошқа активларга алмашиш орқали;
- давлат субсидиялари орқали;
- бошқа субъектлардан ҳадя сифатида.

1.3. Асосий воситалар амортизацияси усуллари ва уларни қўлланши муаммолари.

Барчамизга маълум бўлган хусусият, субъектларнинг асосий воситалари фойдаланиш жараёнида аста-секин эскириб боради. Бу эскиришнинг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, асосий воситалар ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига ўтказиб, истеъмол қийматини аста-секин йўқотиб боради.

Субъектларнинг мулки бўлган асосий воситаларнинг эскириши 0200-«Асосий воситаларнинг эскириши» пассив, синтетик счётларнинг гуруҳида ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг эскириши ҳар ойда белгиланган ва амалдаги меъёрлар бўйича тўла тиклаш учун ажратилган амортизация суммаси миқдорида аниқланади.

0200-«Асосий воситаларнинг эскириши» счётларининг гуруҳи қуйидаги счётлардан ташкил топган:

0211-«Ерни ободонлаштиришнинг эскириши».

0212-«Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши».

0220-«Иморатлар ва иншоотларнинг ва ўзатувчи мосламаларнинг эскириши».

0230-«Машина ва ускуналарнинг эскириши» ва ҳоказо.

0240-«Мебел ва идора жихозларининг эскириши».

0250-«Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши».

0260-«Транспорт воситаларининг эскириши».

0270-«Ишчи ҳайвонларнинг эскириши».

0280-«Кўп йиллик дарахтларнинг эскириши».

0290-«Бошқа асосий воситаларнинг эскириши».

0299-«Молиялаштириладиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши».

Тўла қийматига амортизация ҳисобланган асосий воситаларга эскириш ҳисобланмайди.

Асосий воситаларнинг эскириши икки хил бўлади. Биринчиси – жисмоний эскириш ва иккинчиси, маънавий эскиришдир.

Жисмоний эскириш деб асосий воситаларнинг атмосфера шароитлари таъсирида ва улардан фойдаланиш жараёнида унинг моддий тузилишида ички ўзгаришлар (занглаш, чириш, айрилиш) содир бўлганда бошланғич ҳолатининг йўқолишига айтилади. Жисмоний эскириш асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида ҳам улар бекор ётганда ҳам содир бўлиши мумкин. Асосий воситаларнинг жисмоний эскиришининг даражаси уларнинг ишлаб чиқаришдаги фойдаланиши билан бандлик даражасига, сифатига технологик жарённинг хусусиятларига, четки шароитлардан муҳофаза қилиш ва парвариш қилиш сифатлари, ҳамда ишлайдиган ишчиларнинг малакасига боғлиқ.

Асосий воситаларнинг техникавий тавсифи ва иқтисодий самарадорлигининг давр талабидан, яъни ҳақиқатдан орқада қолиши маънавий эскириши деб аталади. Маънавий эскириш ўз навбатида икки хил бўлиши мумкин. Биринчиси – шу каби асосий воситаларни қайта ишлаб чиқаришининг арзонроққа тушиши натижасида улар қийматининг камайиши бўлса, иккинчиси – янги ва илғорроқ асосий воситаларни жорий қилиш ва уларнинг техникавий жиҳатдан орқада қолиши натижасида қийматининг пасайиб кетиши ҳисобланади.

Асосий воситаларни қайта тиклаш ва қайта ишлаб чиқариш мақсадида уларнинг ҳар ойдаги эскирган қиймати маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таннархига қўшиб борилади. Ушбу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматларнинг таннархига қўшиладиган асосий воситаларнинг эскириш суммаси тўла қайта тиклашга белгиланган амортизация ажратмаларининг ўрнатилган меъёрларига асосан ҳисобланади. Бу меъёрлар асосий воситаларнинг баланс қийматига нисбатан бир йиллик фоизлар ҳисобида белгиланади ва давлат томонидан ягона тартибда тасдиқланади. ўрнатилган меъёрлар барча субъектлар учун ягона ва мажбурий бўлиб

ҳисобланади. Амортизация ажратмаларининг меъёрлари асосий воситаларнинг гуруҳлари ва турларига белгиланадиган умумий меъёрлардан иборат.

Амортизация миқдорини ҳисоблашга таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- бошланғич қиймати;
- қолдиқ қиймати;
- амортизация қилинаётган қиймати;
- тахмин қилинаётган фойдаланиш муддати;
- ўрнатилган амортизация меъёри.

Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари /эскириш/нинг бир йиллик суммасини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$A_c = \frac{(A_{\hat{e}} + O_{\hat{o}}) - (I_{\hat{e}} + \hat{E}_{\hat{e}})}{O_{\hat{i}}}$$

бунда: A_c – амортизациянинг йиллик суммаси;

B_k – асосий воситаларнинг баланс қиймати;

T_x – тахминий тугатиш харажатлари;

M_k – асосий воситаларнинг тугатилишидан олинандиган материалларнинг тахминий қиймати;

K_k – асосий воситаларнинг тахминий қолдиқ қиймати;

Φ_m – асосий воситалардан фойдаланиш муддати.

Тўла қайта тиклашга мўлжалланган амортизация ажратмалари (эскириш) нинг йиллик меъёри (\mathcal{E}_m)ни топиш учун эса қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\mathcal{Y}_i = \frac{(A_{\hat{e}} + O_{\hat{o}}) - (I_{\hat{e}} + \hat{E}_{\hat{e}}) \times 100}{A_{\hat{e}} \times O_{\hat{i}}}$$

Масалан, асосий воситанинг баланс қиймати (B_k) 2500000 сўм, тугатиш харажати (T_x) - 200000 сўм, асосий воситани тугатишдан олинган

материалларнинг қиймати (M_T)-400000 сўм қолдиқ қиймати (K_K)-300000 сўм ва асосий воситалардан фойдаланиш муддати (Φ_M)-10 йил деб фараз қилсак, унда тўла қайта тиклашга мўлжалланган йиллик амортизациянинг (эскириш) меъёри (Θ_M)- 8% бўлади.

$$\dot{Y}_i = \frac{(2500000 + 200000 - 400000) \times 100}{2500000 \times 10}$$

Амортизация суммасини ҳисоблаш жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Қийматни бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисобдан чиқариш усули;
2. Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули;
3. Тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули;
 - а) сонлар йиғиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш (кумулятив) усули;
 - б) қолдиқни камайтириш усули.

Бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисобдан чиқариш усули. Бу усулга мувофиқ, объектнинг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат қилиш муддати (даври) мобайнида бир текисда ҳисобдан чиқарилади (тақсимланади). Ушбу усул, амортизация суммасининг активнинг хизмат муддатининг узок давом этишига боғлиқлигига асосланади. Ҳар бир давр учун амортизация чегирмалар суммаси амортизацияланадиган қийматни (объектнинг бошланғич қийматидан унинг қолдиқ қийматининг айирмаси) объектдан фойдаланишнинг ҳисобот даври сонига бўлиш орқали ҳисобланади. Амортизация меъёри доимий ҳисобланади.

Масалан, юк машинасининг бошланғич қиймати 10.000.000 сўм беш йил муддатли фойдаланиш даври охиридаги қолдиқ қиймати 20% ни ташкил қилади ёки тўғри чизиқли ҳисоблаб чиқариш усулига биноан 1.800.000.0

сўмни ташкил этади. Ушбу тартибда амортизация ҳисоблаш қуйидагича бажарилади:

$$\frac{\text{Бошланғич қиймат-қолдиқ}}{\text{Хизмат қилиш муддати}} = \frac{10\,000\,000 - 2\,000\,000}{5} = 8\,000\,000 : 5 = 1\,600\,000$$

Беш йил мобайнида амортизация ҳисоблашни қуйидагича акс эттириш мумкин.

Бажарилган ишларнинг ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули).

Бу усулда амортизация (эскириш) суммаси фақат фойдаланиш натижасидир ва уни ҳисоблаш жараёнида вақт даврлари рол ўйнамайди деган фикрга асосланади.

1.5.-жадвал

Даврлар	Бошланғич қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамланган амортизация суммаси	Баланс қиймати
Харид санаси	10.000.000	-	-	10.000.000
1 йил охири	10.000.000	1.600.000	1.600.000	8.400.000
2 йил охири	10.000.000	1.600.000	3.200.000	6.800.000
3 йил охири	10.000.000	1.600.000	4.800.000	5.200.000
4 йил охири	10.000.000	1.600.000	6.700.000	3.600.000
5 йил охири	10.000.000	1.600.000	8.000.000	2.000.000

Фараз қилайлик, юқорида сўз юритилган юк машинаси, маълум миқдорда ишларни бажара олади, унинг юриш ҳажми (пробег) 1.600.000 км

хисобланган. Амортизация харажатлари юрган ҳар бир километри учун қуйидагича аниқланади:

$$\frac{\text{Бошланғич қиймати-қолдиқ қиймати}}{\text{Тахмин қилинаётган ишлар сони}} = \frac{10.000.000-2.000.000}{1.600.000} = 5\text{сўм}$$

Демак, босиб ўтган 1 километри учун 5 сўм (8000000:1600000)

Агарда фараз қилсак, фойдаланиш (эксплуатация)нинг биринчи йилда юк машинаси 400.000 км юрган бўлсин, иккинчи йилида 600.000, учинчи йилида 200.000, тўртинчи йилида-200000 ва бешинчи йилида 200.000, йиллик амортизация ҳисобининг жадвали қуйидаги кўринишда бўлади:

1.6.-жадвал

Ҳисобланган амортизациялар, (ишлаб чиқариш усули)

	Бошланғич қиймати	Юриши, км	Йиллик амор-ция суммаси	Жамғар-н амор-ция	Баланс қиймати
Харид санаси	10.000.000	-	-	-	10.000.000
1 йил охири	10.000.000	40.0000	2.000.000	2.000.000	8.000.000
2 йил охири	10.000.000	60.0000	3.000.000	5.000.000	5.000.000
3 йил охири	10.000.000	20.0000	1.000.000	6.000.000	4.000.000
4 йил охири	10.000.000	20.0000	1.000.000	7.000.000	3.000.000
5 йил охири	10.000.000	20.0000	1.000.000	8.000.000	2.000.000

Ушбу усулда тузилган жадвалда йиллик амортизация суммаси билан иш ёки фойдаланиш бирлиги ўртасидаги бевосита боғлиқликни кўриш мумкин. Жамғарилган эскириш суммаси ҳар йили иш бирлигига ёки фойдаланишга (юришига) тўғри боғланган ҳолда ортиб боради. Ниҳоят, баланс қиймати,

йил сайин иш бирлигига ёки фойдаланишга тўғри муносиб равишда қолдиқ қийматга етмагунча камайиб боради. Бу усулга мувофиқ ҳар бир объектнинг тахмин қилинаётган бирлиги маълум активларга мос келиши керак.

Тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули ўз навбатида қуйидаги усулларга бўлинади:

а) сонларнинг йиғиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш (кумулятив) усули.

Бу усул қандайдир объектнинг хизмат қилиш йиллари суммаси орқали аниқланади ва бу сумма ҳисоблаш коэффициентида маҳраж бўлиб хизмат қилади. Бу коэффициентнинг суръатида объектнинг хизмат муддатининг охиригача қолган йилларининг сони туради (тесқари тартибда).

Юқорида келтирилган мисолга мурожаат қилайлик, лекин юк авторанспортининг қолдиқ қиймати 10000000 сўм.

Масалан, юк машинасининг тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати 5 йил.

Эксплуатация йиллари суммаси – 15 йил (кумулятив сон):

$$1+2+3+4+5+15$$

Сўнгра, ҳар бир қасрни 9.000.000 га (10.000.000-1.000.000) тенг бўлган амортизацияланадиган қийматга кўпайтириш йўли орқали ҳар йиллик амортизация суммаси аниқланади:

$$5/15, 4/15, 3/15, 2/15, 1/15$$

Бу ҳолда амортизация чегирмалари суммасининг жадвали қуйидаги кўринишда бўлади:

млн.с.

Даврлар	Бошланғич қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамланган амортизация суммаси	Баланс қиймати
Харид санаси	10	-	-	10
1 йил охири	10	$(5/15 \times 9) = 3$	3	7
2 йил охири	10	$(4/15 \times 9) = 2.4$	5.4	4.6
3 йил охири	10	$(3/15 \times 9) = 1.8$	7.2	2.8
4 йил охири	10	$(2/15 \times 9) = 1.2$	8.4	1.6
5 йил охири	10	$(5/15 \times 9) = 0.6$	9.0	1.0

Жадвалдан кўришиб турибдики, энг катта амортизация суммаси биринчи йилда ҳисобланади, кейин йилма-йил у камайдди, жамланган амортизация олдинги даврга нисбатан камроқ ортиб боради, баланс қиймати қолдиқ қийматига етиб бормагунича ҳар йили амортизация суммасига камайиб боради.

б) камайиб борувчи қолдиқ усули.

Бу усул сонлар йиғиндиси усули тамойилларига асосланган. Бу усулда ҳар қандай қатъий ставка қўлланилиши мумкин бўлса ҳам, аммо кўпинча тўғри чизиқли усулда фойдаланган ўртача даражага нисбатан икки карра кўпайтирилган меъёр қўлланилади. Бу жараён иккиланган амортизацияда камайиб борувчи қолдиқ усули деб аталади. Олдиндаги мисолда юк автомобилнинг фойдали хизмат муддати 5 йилга тенг эди. Тўғри чизиқли амортизациялаш усулида ҳар йилги меъёр мос равишда 20% $(100\% / 5)$ ни ташкил қилади. Камайиб борувчи қолдиқни ҳисобдан чиқаришнинг қабул қилинган ушбу 40% ҳар йилнинг охирида баланс қийматига кўпайтирилади. Амортизация ҳисоблашда тахмин қилинаётган қолдиқ қиймати, охириги йилдагисидан ташқари ҳисобга олинмайди. Бу усулни ифодаловчи жадвал келгуси бетда келтирилган.

(млн.с)

Даврлар	Бошланғич қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамланган амортизация суммаси	Баланс қиймати
Харид санаси	10	-	-	10
1 йил охири	10	$(40\% \times 10) = 4$	4	6
2 йил охири	10	$(40\% \times 6) = 2.4$	6.4	3.6
3 йил охири	10	$(40\% \times 3.6) = 1.44$	7.84	2.16
4 йил охири	10	$(40\% \times 2.16) = 0.864$	8.704	1.296
5 йил охири	10	0.296	9.0	1.0

Жадвалдан кўриниб турганидек, амортизациянинг қатъий меъёри доимо олдинги йилнинг баланс қийматига нисбатан ишлатилган. Амортизация суммаси (энг каттаси биринчи йилда) йилдан-йилга камаяди ва ниҳоят, охириги йилдаги амортизация суммаси баланс қийматининг қолдиқ қийматигача камайтириш учун зарур бўлган сумма билан чекланган.

Режали иқтисодиёт даврида амортизация ажратмалари асосий воситаларнинг юзлаб гуруҳлари, уларнинг ичида эса минглаб асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида амортизация меъёрлари белгиланган бўлиб, шу меъёрларда амортизациянинг ҳар ойдаги суммалари ҳисобланар эди.

Халқ хўжалигидаги асосий воситаларнинг тўла қайта тиклашга йўналтириладиган амортизация ажратмаларининг ягона меъёри собиқ иттифоқ Министрлар Советининг 1990 йил 22 октябрида 1072-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, уни 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга киритилган эди. Унда асосий воситаларнинг камида 200 гуруҳи ва 2000 ортиқ турлари бўйича алоҳида -алоҳида меъёр(норма)лари белгиланган бўлиб,

асосий воситаларнинг ҳар ойдаги амортизацияси (эскириши) шу меъёрлар бўлиб ҳисобланар эди. Ундан ташқари бу ҳужжатда асосий воситаларнинг ишлатилаётган шароитлари (намлик, зарарли ва оғир шароитлар) ҳамда ишлаш режими (сменалар сони)нинг ўзгаришига қараб меъёрларни оширадиган ёки кодлардан фойдаланиш тавсия этилган эди. Бу меъёрларга Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналарда 1996 йилнинг охиригача амал қилиб келинди.

1996 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 469-сонли қарорига биноан Республика Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Асосий воситаларнинг гуруҳлари бўйича амортизациянинг ягона меъёрлари тўғрисида»ги янги тартиби ишлаб чиқилди⁷.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига биноан мамлакатимизда асосий воситаларнинг амортизация нормалари куйидагича белгиланди⁸:

1. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар – 5 фоиз.
2. Узатиш қурилмалари, қувват берадиган машина ва ускуналар, ҳаракатланувчи транспорт воситалари – 8 фоиз.
3. Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари) – 15 фоиз.
4. Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари – 20 фоиз.
5. Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти, енгил автомобиллар ва саноат тракторлари – 20 фоиз.
6. Коммунал транспорт, махсус вахта вагонлари ва бошқа транспорт воситалари – 10 фоиз.
7. Кўп йиллик дов-дарахтлар – 10 фоиз.

⁷ Ваҳобов А., Иброҳимов А., Ишонқулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик жамияти, 2005 йил, 293-бет.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т.: Адолат, 2010 йил, 86-89 бетлар..

8. Идора мебели ва ускуналари (шу жумладан телефон аппаратлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқалар) – 15 фоиз.

9. Бошқа асосий воситалар – 10 фоиз.

Бу янги меъёрлар корхоналарга, керак бўлса, амортизация меъёрларни тасдиқланган меъёрларга қараганда камайтириш ёки тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш усулидан фойдаланишга рухсат этилган.

Тезлаштирилган амортизациядан фойдаланилганда қўлланилган коэффициент "Низом" билан белгиланган меъёрдан 2 баробардан ошмаслиги ва тасдиқланган меъёрлардан ортиқ бўлган суммани фойда-даромадга солинадиган солиқ бўйича солиққа тортиладиган базага қўшилиши кераклиги таъкидланган.

Янги тартибга асосан амортизация қуйидаги асосий воситалар бўйича ҳисобланмайди:

- маҳсулдор ҳайвонлар, қўтос ва ҳўкизлар;

- кутубхона фондлари;

- ҳокимиятларга ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига қарашли шаҳар ободончилиги иншоотлари:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан консервацияга ўтказилган асосий воситалар;

Тўла амортизацияланган асосий воситалар.

Қурилаётган корхонанинг сотиб олинган асосий воситалари ҳамда тугалланмаган қурилишдаги объектлар бўйича амортизация қурувчи ташкилот томонидан асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги маълумот-номага асосланган ҳолда субъект томонидан белгиланган меъёрлар асосида ҳисобланади.

Шундай қилиб «Амортизациянинг меъёрлари тўғрисида»ги низомда амортизация меъёрларининг анча қисқартирилганидан ташқари қўшимча равишда қўллаш учун тавсия этиладиган коэффициентлар ҳам чиқариб ташланган.

Шубҳасиз, бу янгилик амортизация ажратмаларини ҳисобга олишни анча осонлаштиради ва ишлатилаётган асосий воситаларнинг қийматини ва улардан фойдаланиш муддатини аниқлашни соддалаштиради. Илгари мавжуд бўлган амортизация ажратмаларини тиклаб олиш, ҳисоблаш ва уларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархига адолатли киритиш имконини беради, лекин бу аниқлик ва объективликка путур етказиши мумкин.

Маълумки, шу вақтгача қўлланиб келинаётган амортизация меъёрлари мукамал, асосланган ҳисоб-китоблар билан ҳисобланган бўлиб, уларнинг катта-кичиклиги асосий воситаларнинг бир гуруҳи ичида ҳам катта фарқ қилади. Масалан, фақат енгил саноатдаги машина ва асбоб-ускуналарининг гуруҳини олсак айрим объектлар бўйича амортизация меъёрлари 4,3 дан 14,3 фоизгача белгиланган бўлса, қурилиш материаллари саноатида улар 5 дан 25 фоизгача фарқланади ва хоказо.

Агар 1997 йилдан бошлаб амал қилаётган янги амортизация меъёрларини ҳаётга татбиқ этиш «Амортизация ажратмаларини ҳисоблашни соддалаштириш» бўлса, бундай соддалаштириш усули юқорида номланган 1072-қарорда ҳам мавжуд. Бу қарорга биноан амортизация ажратмаларининг бир ойлик суммаси корхонадаги барча асосий воситаларнинг объектлари бўйича фақат бир марта, у ҳам бўлса корхона ишга туширилаётган ойда ҳисоблаб чиқилади.

Бунинг учун, масалан, корхона январ ойида ишга тушириладиган бўлса, ушбу корхонадаги барча асосий воситаларнинг объектлари жойлашган жойлари ва белгиланган ягона амортизация ажратмаларининг меъёрларига кўра турлари (шифрлари) бўйича гуруҳланиб чиқилади. Бунинг учун маълумотлар ҳар бир асосий воситанинг объекти учун очиладиган аналитик карточкалардан олинади.

Ҳар ойдаги амортизация ажратмаларни ҳисоблаш учун бухгалтерияда қўлланиладиган махсус 6-сонли ишлов жадвалидан, автотранспорт бўйича эса 9-сонли ишлов жадвалидаги шаклидан фойдаланилади.

Бу жадвал шундай тузилганки, унинг маълумотлари асосида ҳар бир навбатдаги ҳисобот ойининг амортизация ажратмалари суммасини ўтган ойдаги ҳисоблаб топилган амортизация суммалари асосида осонлик билан топиш мумкин. Масалан, бизнинг мисолимиздаги субъект бўйича январ ойида ишга туширилган феврал ойининг амортизация ажратмалари суммасини топиш учун ишлов жадвалида январ ойининг амортизация суммасига шу январ ойида ишлатилган ва топширилган асосий воситалар объектининг ҳар бири бўйича бир ойлик амортизация ажратмаларининг суммалари қўшилиб, ўша ойда фойдаланишдан чиқиб кетган асосий воситаларнинг объектлари бўйича бир ойлик амортизация ажратмаларининг суммаси чегириб (олиб) ташланади. Агар январ ойидаги асосий воситалар таркибида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмаса, унда феврал ойидаги амортизация суммаси январ ойидаги амортизация суммасига тенг бўлади.

Шундай қилиб, ишлов жадвалининг маълумотлари ҳар ойдаги амортизация ажратмаларининг суммасини тегишли цех ва участкаларнинг харажатларида акс эттириш, яъни дебетланувчи 2010, 2300, 2510, 2610, 9410, 9420, 9450 ва бошқа счётларнинг дебетига «Асосий воситаларнинг эскириши» суммасини ёзиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

**0200-«Асосий воситаларнинг эскириши» счётларида
қайд қилинадиган муомалаларнинг чизмаси**

Счётларнинг кредитига	Счётларнинг дебетига
Дебет	Кредит
	<u>С-қолдиқ</u>
Эскириш суммасини акс эттириш:	Қуйидаги соҳаларда ва жараёнларда

Счётларнинг кредитига

Счётларнинг дебетига

Дебет

Кредит

Дебет	Кредит
	фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди:
0200- Асосий воситаларнинг ички харакатида	-капитал қурилишида -0810
0200- Ижарачиларнинг мулкига ўтказилганда	-асосий ишлаб чиқаришда -2010
0310- Ижара муддати тугагандан кейин ижарачилар томонидан асосий воситалар қайтарилиб берилганда	-ёрдамчи ишлаб чиқаришда -2310 -умумишлаб чиқариш -2510
9210- Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилганида-сотиш, бузиш, текинга бериш ва ҳоказолар	аҳамиятидаги асосий воситаларга -умумхўжалик -9420 аҳамиятидаги асосий воситаларга -яроқсиз маҳсулотларни тузатишда -2610
9900- Ортиқча ҳисобланган амортизация суммаси аниқланганда	

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий воситалар билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг техник ҳолатига ҳам баҳо бериб борилади. Одатда асосий воситалар таркибида йил давомида ўзгаришлар рўй беради. Янги асосий воситаларнинг киними туфайли, асосий воситалар ортиб боради. Эскирган асосий воситаларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш туфайли асосий воситалар камайиши мумкин. Бундай табиий ҳолатларнинг рўй бериши натижасида

асосий воситаларнинг техник ҳолатини таҳлил этишимизни тақозо этади. Асосий воситаларнинг техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси;
- асосий воситаларнинг эскириш даражаси;
- асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси.

Асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси фоиз кўринишида қуйидаги тартибда аниқланади:

$$\text{Яроқлилик даражаси} = \frac{\text{Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати}}{\text{Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати}} * 100 \%$$

Асосий воситаларнинг эскириш даражаси фоиз кўринишида қуйидаги тартибда аниқланади:

$$\text{Эскириш даражаси} = \frac{\text{Асосий воситаларнинг эскириш қиймати}}{\text{Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати}} * 100 \%$$

Асосий воситаларнинг яроқлилик ва эскириш коэффициентлари йиғиндиси коэффициентда 1,0 га. фоизда 100 тенг бўлади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларига қараб, уларнинг техник ҳолатига баҳо берилади ва уларни тартиблаш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Асосий воситаларнинг ҳолатини ўрганишга, корхона амортизация сиёсатига, асосий воситаларнинг маънавий эскирганлик даражасига, фойдаланишдан олиб ташланган ва консервация қилинган асосий воситалар ҳолатига муҳим эътибор қаратилади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларини уларнинг ҳар бир тури ва жамаи бўйича урганилади. Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар 1-шакл «Бухгалтерия баланси» ва 3-шакл «Асосий воситаларнинг ҳаракати гўғрисидаги» ҳисобот шаклларида олинади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари уларнинг ҳаракат кўрсаткичлари билан тўлдирилади.

1.9.-жадвал

“Наманганмаш” АЖ нинг асосий воситалари техник ҳолати таҳлили

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Бошланғич қиймат	Эскириш қиймати	Қолдик қиймати	Эскириш даражаси, %	Яроқлилик даражаси, %
1	2009 йил	804575	607780	196795	75,6	24,4
2	2010 йил	778713	607964	171749	78,1	21,9
3	Фарқи, +/-	-25862	184	-25046	2,5	-2,5

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида биз таҳлил қилаётган “Наманганмаш” акционерлик жамиятининг асосий воситаларини техник ҳолатига баҳо бериш мумкин бўлади.

Маълумотлардан кўринадик, корхонада жорий йилда асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси ўтган йилга нисбатан 2,5 % га камайган бўлиб, жами асосий воситаларнинг 21,9 % ини ташкил этмоқда.

Қолган 78,1 % асосий воситалар ўзининг хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳамда эскирган асосий воситалар ҳисобланади.

Корхонада асосий воситаларнинг гехник ҳолати ижобий томонга ўзгармаганлиги учун асосий воситаларнинг умумий техник ҳолати етарли даражада деб баҳолай олмаймиз. Чунки, асосий воситаларнинг тенг ярмига яқини эскирганлиги яхши натижа эмас. Шу сабабли ҳам корхона маъмурияти асосий воситаларнинг янада кўпроқ қисмини янгилаб бориш чораларини излаб топиши мақсадга мувофиқ бўлади.

2-боб. Асосий воситалар ҳисоби мавзусини ўқитишнинг долзарб масалалари.

2.1. Бухгалтерия ҳисоби фанини ўқитишда мавзунинг ўрни.

Республикада амалга оширилаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ишлар таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқдир. Янги таълим тизимининг ўзига хослиги унинг узлуксизлигидадир. Бундан кўзланган яна бир мақсад ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларидаги мажбурий итоаткорлик ўрнига онгли интизомнинг шаклланишига эришишдан иборат.

Узлуксиз таълим тизими таркибида касб-хунар таълими мустақил тизим ҳисобланади. Бу тизимда ўқишни хоҳлаган ўқувчилар касб-хунар коллежларини мустақил танлайдилар. Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус касб-хунар таълимини беради, ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллаш имконини беради. Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлик, ўқув жараёнини ташкил этилиши жиҳатини янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Президентимиз И. Каримов ҳам Миллий дастурни амалга оширишдаги энг оғир, энг мураккаб ва энг нозик масала 3 йиллик таълим муассасаларини ташкил этиш ва бу поғонада болаларимизга билим бериш ва касб-хунар ўргатиш муаммоларидир, деб кўп марта таъкидлаган. Бу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва шу қарор асосида тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида"ги Низом ойдинлик киритди.

Бу Низомга асосан касб-хунар бўйича чуқурлаштирилган, табақалаштирилган таълим бериш ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши ва уларнинг ўз қобилиятлари ва мойилликларига мувофиқ танланган касб-хунар бўйича мутахассисликларни эгаллашни таъминлаш ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг мақсади ҳисобланади. Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати 3 йиллик мажбурий таълим тури бўлиб, унинг йўналиши академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилари томонидан ихтиёрий танланади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида 2011 йил 20 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди⁹. Унга кўра 2011—2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олган Дастур маъқулланди:

- 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасапарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

⁹ Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 21 май сони.

- юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналмшлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;
- 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни амапга ошириш учун молиявий харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган ҳажмлари кўрсаткичлари;
- ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг турар-жойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритиладиган олий таълим муассасаларининг рўйхати;
- олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий тадқиқот лабораторияларининг рўйхати.

Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилардан иборат¹⁰:

- Давлат бюджети маблағлари;
- замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари;
- халқаро донорлар грантлари, васийлар ва мамлакатимиздаги ҳомийлар маблағлари;
- Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

¹⁰ Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 21 май сони.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни бажариш учун чет эл кредитлари ва грантларини жалб қилиш юзасидан тизимли ишларни амалга оширишлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилишини молиялаштириш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2011 — 2016 йиллар мобайнида ҳомийлик ёрдами шаклида йўналтирилган маблағлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Хапқ таълими вазирлиги билан биргаликда илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишлари белгилаб қўйилди. Уларда қуйидагилар кўзда тутган¹¹:

–ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш ва уларга қўйиладиган лавозим тапабларини қайта кўриб чиқиш асосида олий таълим муассасапарни профессор-ўқитувчилари таркиби тарификациясининг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

–«доцент» ва «профессор» илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш, мазкур тизимнинг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг мунтазам равишда ўз малака ва педагогик маҳоратини оширишга

¹¹ Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 21 май сони.

рағбатлантиришдаги ролини кучайтириш;

–юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган аниқхиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизимини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илғор халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар негизида ўқув жараёнининг ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари билан интеграциялашувини янада чуқурлаштиришни назарда тутадиган ўқув-илмий комплекслар ва марказларни ташкил этиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқдилар.

Қарорнинг тегишли бандига мувофиқ 2016 йилнинг 31 декабригача 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатлар бўйича республикага олиб кириладиган ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари, илмий-услубий адабиётлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) озод этилди¹².

Мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитиладиган иқтисодий фанлар тизимида бухгалтерия ҳисоби ҳам ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Касб-хунар таълими тизимида ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дарс ўтиш ўқувчи ва талабаларни дарсга фаол қатнашишини таъминлайди. Касб-хунар коллежларида иқтисодий йўналишларда ўқитиладиган фанлар ўртасида бухгалтерия ҳисобининг келиб чиқиши, тарихи, предмети, фаннинг олига қўйган мақсади ва вазифаларига кўра ўзига хос ўрин тутди. Бухгалтерия ҳисоби тушунчаси

¹² Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 21 май сони.

немисча сўздан олинган бўлиб, китоб юритиш деган маънони англатади. Бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети бу хўжалик юритувчи субъектларнинг пул ифодасида акс эттириладиган хўжалик маблағлар манбалари, уларнинг хўжалик юритиш жараёнидаги ҳаракати, молиявий натижалари, яъни улардан фойдаланиш ҳақидаги ахборотларни шакллантириш ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби ички бошқарув ва ташқи истеъмолчилар учун жорий ва якуний маълумотларни тайёрлаш ва уларга тақдим қилиш мақсадида амалга ошириладиган узлуксиз ва ўзаро боғлиқ кузатишлар, ўлчовлар, рўйхатга олиш, маълумотларни қайтадан ишлаб чиқиш ва корхоналар, бирлашмалар ва муассасаларнинг хўжалик фаолияти устидан назорат ўтказиш тизимини ташкил қилади.

Бухгалтерия фани предметининг хусусиятлари унинг мақсади ва функцияларида акс этади. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонунда ифодаланган: “Фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ва аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир”¹³.

Бухгалтерия ҳисоби фанини ўрганишда зарур бўлган ҳамда режалаштирилган мавзулар қўйилган мақсадлари бўйича ўқув дастурида ўз аксини топади. Фан бўйича ўқув дастури фанни ўрганиш бўйича ҳужжат бўлиб, бўлажак кадрларга қўйиладиган талабларга мос ҳолда таълимнинг мазмуни ва ўқувчилар томонидан ўзлаштириш усуллари акс эттиради. Ўқув дастурида фан бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни ва ҳажми, уларни ўрганиш кетма-кет тарзда акс этади. Ҳар бир мавзу бўйича фан учун ажратилган соатдан келиб чиққан ҳолда, мавзунинг мазмунини ўзлаштириш учун унинг хусусиятларини, мавзуни мураккаблик даражаси, ўзлаштириш зарур бўлган масалалар, қўйилган муаммо ва бошқаларни ҳисобга олиб ўқув жараёнини ташкилий шакллари бўйича вақт ажратилади.

¹³ Д. Тожибаева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т. Фан ва технология. 420-421б.

Бухгалтерия ҳисоби фани бўйича ўқув дастури икки хил, яъни намунавий ва ишчи ўқув дастуридан иборатдир. Фан бўйича намунавий ўқув дастури фанни ўрганишда қўйилган мақсад, фаннинг асосий мазмуни, бажарадиган вазифаларини ифодалайди. Намунавий ўқув дастури таркибий жихатдан ўз ичига: кириш, асосий қисм: маъруза, семинар, тажриба дарслари ва мустақил иш учун кўрсатмалар, тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини олади.

Намунавий дастур асосида ишчи ўқув дастури ишлаб чиқилади. Ишчи ўқув дастурида фан бўйича мавзулар режаси қисмлари номи, ажратиладиган жами соатлар, дарс ўтиш, машғулот турлари, мустақил ишга ажратилган соатлар жадвал тарзида келтирилади. Фан бўйича дастурда ҳар бир мавзу бўйича ўқув мақсадидан келиб чиқиб, қисқача мазмуни берилади, мавзуни ўрганиш ва ўзлаштириш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати рақамлар билан белгиланади. Бундан ташқари фанни ўқитиш бўйича лозим бўлган ўқув воситалари, кўргазмали намойиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати келтирилади. Дастурнинг ўзлаштириш назорат қилиш қисмида, фанни ўзлаштириш бўйича баҳолаш усуллари ва шакллари келтирилади. Бундан ташқари фанни ўзлаштиришда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.

Ўқув дастурига мувофиқ равишда машғулот режаси, мустақил ишлар ва ўқув комплекси таркибига кирувчи бошқа ишлар ишлаб чиқарилади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарнинг вужудга келиши молиявий қўйилмалар билан боғлиқ турли хил операцияларни амалга оширишни талаб қилади. Молиявий қўйилмалар билан боғлиқ муносабатларин тартибга солишда ва тегишли қарорларни қабул қилишда уларни бухгалтерия ҳисобида тегишли мавзуларда ўрганилиши ўқув режасида келтирилган. Бу мавзуни ўрганишда асосий қимматли қоғозлар турлари тўғрисида дастлабки тушунчалар талабаларга берилганидан сўнг уларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ва бу

хисобварақлар билан амалга ошириладиган молиявий операциялар тўғрисида тушунча берилади.

2.2. Мавзунинг ўқитишнинг ахборот базаси.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти яратиш мақсадида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширмоқда.

Бозор муносабатлари соҳасида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ўз тасарруфидаги барча ресурслар — молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади. Аммо кўпгина корхона ва ташкилотлар иқтисодий мустақиллик ҳамда ички ва ташқи бозорда битимлар тузиш ҳуқуқини қўлга киритганларидан сўнг хўжалик юритишнинг янги шароитларига тайёр эмасликлари аён бўлиб қолди.

Бозор иқтисодиёти соҳасида бошқарув субъектларига фақат ахборотга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ахборот билан ишлаш, тўғри хулосалар чиқариш ва улардан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш зарур бўлади. Самарали бошқаришда энг муҳими ахборот ва ундан фойдалана билишдир.

Иқтисодий ахборотлар билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, уни таҳлил қилишдир. Таҳлил давомида хўжалик фаолиятини ўрганишда ҳамда хулосалар чиқаришда асос бўладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Таҳлилий ишларни мувафаққиятли, самарали ўтказилиши, уни ҳар томоилама ўйлаб, синчиклаб ташкил қилинишига боғлиқ. Унинг ўтказилиши илмий характерга асосланган режа асосида амалга оширилиши лозим. Таҳлил ишлари олиб борилаётганда, у бир неча босқичларни босиб ўтади. Ушбу босқичларни босиб ўтиш жараёнида ҳар бир босқичнинг мазмуни олдиндан

аниқланиши керак ва уларнинг бажарилиши маълум томонларга асосланган бўлиши лозим. Асосланиши лозим бўлган томонлар эса қуйидагилардан иборат:

1. Корхона фаолиятини таҳлил қилиш — бошқаришда қарор қабул қиладиган ҳар бир раҳбар, менежернинг хизмат бурчидир. Шундай қилиб, бундан чиқадиган зарур тамойил бу таҳлил ишларини бажарувчилар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш.

2. Ишлаб чиқариш тармоқларида таҳлил ишларини ташкил қилишда энг зарур тамойиллардан бири унинг тежамлилиги, яъни кам харажат қилиб, юқори самарага эришиш.

Корхоналарни тўғри ва оқилона бошқариш учун турли-туман маълумотлар тизимидан фойдаланиш зарурки, улар орқали тўғри бошқарув қарорлари қабул қилиниши мумкин. Маълумотлар дейилганда иқтисодий ходисалар, воқеалар ва хўжалик жараёнларини тегишли манбалар орқали акс эттириш, уларни қайта ҳисоблаш ва ўрганиш, ҳамда қизиқувчи ташкилотларга узатиш тушунилади.

Таҳлил учун керакли бўлган маълумотларни мазмунига қараб, қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- ◆ иқтисодий маълумотлар;
- ◆ ҳуқуқий-меъёрий маълумотлар;
- ◆ илмий-техникавий маълумотлар;
- ◆ табиий-экологик маълумотлар;
- ◆ бошқа маълумотлар.

Иқтисодий маълумотларни бизнес режа, турли хил ахборот манбалар, технологик маълумотлар, оператив-техник, меъёрий ва ҳисоб ҳужжатлари ташкил этади. Бу манбалар таҳлилда энг кўп фойдаланилади.

Ҳуқуқий-меъёрий маълумотларга эса республикамизда амал қилаётган барча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва норматив актларда расмийлаштирилган ахборотлардан фойдаланиш тушунилади.

Илмий-техникавий маълумотлар, энг янги гараққист, жаҳондаги ўзгаришлар, фан ва гехника ютукдарини ўзида мужассам этган ахборотлардир. Бу ахборотлар тахдил учун муҳим аҳамият касб этади.

Табиий— экологик маълумотлар, табиат, ер, иқлим ва бошқа экологик омилларни мужассамлаштирган ахборотларни иқтисодий тахдилда муҳим манба сифатида ўрганилади.

Бошқа манбаларга эса, иқтисодий, ҳуқуқий, илмий-техникавий, табиий-экологик манбааларда акс этмаган маълумотлар гушунилиб, бунга оммавий ахборот воситалари, рўзнома ва ойномалардаги, радио ва телевидениедаги келтирилган ахборотлардан фойдаланиш тахдил учун муҳимдир.

Кўплаб манбаларни тахлил жараёнларида қўллаш уларнинг мазмунини бойитишга, бошқарув қарорларини холисона бўлишини ва корхоналарни бозор иқтисодиёти шароитида фаол қатнашишига имкон яратади.

Иқтисодий манбашар бошқа ахборотлардан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- хужжатлашганлиги — барча иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар содир бўлиши билан тегишли бошланғич хужжатларда қайд этилади ҳамда ахборот сифатида расмийлашади.
- Турли-туманлиги, ҳодиса ва воқеалар кўпгина манбааларда қайд этилиб, ҳажми, мазмуни, шакли жиҳатидан бир-биридан фарқланади.
- Оммавийлиги ва ҳажмининг кенглиги. Кўпгина иқтисодий ахборотлар тегишли шаклга эга бўлганлиги, ҳисобот шаклларининг юқори органлар томонидан тасдиқпанилганлиги уларни тушунишни, билишни осонлаштиради.
- Маълум даврларда такрорланиб туришлиги. Тасдиқланган меъёрий хужжатлар мунтазам тўлғазилиб, тегишли ташкилотларга топширилиш кўзда тутилади, ҳисобот даврлари — чораклар, ярим ҳамда йиллик муддатларга бўлиниб, ахборотлар тузилади.
- Кунунлашганлиги ва чегараланганлиги. Барча иқтисодий ахборотлар

давлат ташкилотлари, молия вазирлиги, макроиктисод вазирлиги ва солиқ кўмитаси томонидан тасдиқланган шаклларга асосланиб тузилади. Бозор иқтисоди шароитида корхоналар учун муҳим саналган айрим маълумотлар бошқалар учун махфий бўлиб, фақат эгасининг рухсати билан эълон қилиниши мумкин.

- Кўп қирралилиги ва сермазмунлиги. Иқтисодий ахборотлар миқдорий ва қиймат ўлчамларида кўрсатилади, бошлангич ҳужжатларда корхона номи, имзо чекувчиларнинг наслномаси, даври ва маҳсулотларнинг турлари кўрсатилган ҳолда расмийлашади.

Иқтисодий маълумотларнинг аксарият қисмини ҳисоб ахборотлари ташкил этиб, бухгалтерия, статистика ва тезкор ҳисоблар мажмуидан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, иқтисодий таҳлил ахборотлари таркибида 70 фоиздан ортиқ салмоқни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун» 1996 йил қабул қилиниб, барча фаолият кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар бу қонунга амал қиладилар.

Таҳлил учун керакли манбаалар қуйидаги талабларни бажариши лозим:

1. Ҳаққонийлик ва ҳолисоналик тамоилига амал қилинади.
2. Манбаалар таҳлил қилиниши учун кенг имкониятли бўлмоғи лозим, яъни режа, ҳисоб ва статистик маълумотлар ҳодиса ва жараёнлар мазмунини тўлиқ ёритиши, талаб қилинган вазифаларни бажариши керак.
3. Иқтисодий ҳодиса ва воқеаларни ифодаловчи манбаалар аниқ ўлчамда акс эттирилиши лозим.
4. Барча манбааларнинг умумий бирлиги ва узвий боғлиқдиги сақланилади ҳамда улардаги ахборотлар бир-бирини тўлдириб турилишини тақозо этади.

5. Манбааларга киритилган кўрсаткичларни аниқланиш тамоиллари ва акс эттириладиган даврлар мослиги зарурдир ва ҳоказолар.

2.3. Мавзунини ўқитишда илғор педагогик технологияларнинг роли.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон ҳукумати, Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок, айниқса сўнгги йилларда маънавият ва маърифат масалаларига, таълим тизимини такомиллаштириб, уни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш бўйича ибратли ишларни амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари қаторида таълим тизими, уни таркибий қисми бўлган Олий ва ўрта махсус таълими ҳам туб ислохотларни бошдан кечириб, такомиллашиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида» ги Қонуннинг қабул қилиниши ва уларда мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асослари, тамойиллари ва босқичларини белгилаб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Миллий мустақиллик ғоялари сингдирилган бу тарихий хужжатлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганишга ҳам кенг йўл очилди, иқтидорли ёш олимларимиз ва талабалар «Устоз» ва «Умид» жамғармалари орқали ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишдек бахтга муяссар бўлмоқдалар. Ўз навбатида хорижий мутахассислар ҳам мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган ислохотларни ўрганиб, уларга ижобий баҳо бермоқдалар. Бу каби ўзаро алоқалар ўз навбатида мамлакатимиз таълим тизимида ривожланган мамлакатлардаги илғор педагогик технологияларни ўз миллий қадриятларимиз нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ўқув жараёнига жорий этишни ҳам тақозо қилмоқда. Зеро, бу каби амалий ишлар мамлакатимиз

таълим тизимини жаҳон таълим стандартлари билан интеграциялашувининг асосий белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида «ўқув-тарбиявий жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» алоҳида кўрсатиб ўтилган¹⁴.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида 1997 йил 29 август куни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши фикримизнинг яққол далилидир. Бу муҳим ҳужжатлар истикболий характерга эга бўлиб, уларнинг мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштиришда қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Ўтган давр ичида таълимни ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, уларнинг бажарилиши бўйича дастлабки ютуқлар эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Мамлакатимизда таълим мазмунини ислоҳ қилиб, уни жаҳон таълим стандартларига мувофиқлаштиришда илғор педагогик технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» зарурлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 мартдаги қарорига биноан, республикамиз олий ўқув юртларига ёшларни тест усулида қабул қилишни жорий этилиши, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчи марта жаҳон педагогикасидаги илғор тажрибаларни ўрганишга йўл очганлигидан далолат беради. Республикамизда тест усулини Давлат аҳамиятидаги масала даражасига кўтарилганлиги, педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этишга ҳам кенг имконият яратди.

Таълим жараёнига педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, сўзсиз, ўқув жараёнига тизим сифатида ёндашишдир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ҳодисалар ўзаро функционал боғлиқда бўлиб,

¹⁴ Қ. Ишматов. Педагогик технология асослари. Наманган, 2003, 3-5-бетлар.

бир бутунликни, яъни педагогик жараён мажмуини ташкил қилади. Педагогик жараён мажмуини муайян бир вақт мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиши педагогик технология дейилади.

Педагогик технология – ўқув жараёнини технологиялаштиришни бутунлигича аниқловчи тизимли категория. Технологияларнинг барча тушунчаларини белгилаш учун, синоним сифатида таълим технологияси, ўқитиш технологияси кабиларни ишлаш мумкин. Ўқитиш технологияси – биринчидан, педагогик технологияни жараёнли ҳаракат аспектини англатади. Бу таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда, ажратилган вақт давомида истиқболлаштирилган натижаларига кафолатли эришишга ва конкрет таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишни инструментал таъминловчи усул ва воситалар (технологик операциялар)нинг тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирган таълим модулини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг технологик жараёни; иккинчидан, педагогик технологиянинг жараёнли – баёнли аспектини ифодалайди. Бу мақсадни амалга ошириш ва истиқболда белгиланган натижаларга эришиш бўйича педагогик ҳамда ўқув фаолиятини лойиҳасини бажаришнинг баёнидир (технологик харита).

Таълим технологияси – педагогик технологиянинг илмий аспектини белгилаш учун ишлатилади. Бу (фан предмети) «техника ва инсон ресурсларини ҳамда уларнинг ўз олдига таълим шакллариини оптималлаштириш вазифасини кўювчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бери шва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, кўллаш ва белгилашнинг тизимли усули».

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Ғ. Зиёмуҳаммедов педагогик технологияга қуйидагича таъриф берган: «ПТ – бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга маълум бир

шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир».

Ижтимоий технологиялар сафига кировчи «педагогик технология» тушунчасининг мазмунини аниқлаймиз. Кўпчилик педагог олимларнинг фикрича, ушбу кенг ишлатиладиган сўзлар бирикмаси инглизча “an educational technology”, яъни «таълим технологияси» ифодасини ноаниқ таржима қилишдан келиб чиққан.

Бизнинг фикримизча, таълим технологиясига дастлаб асос солган АҚШ олимлари педагогик технологияни эмас, балки айнан таълим технологиясини назарда тутишган. Буни тушуниб етиш учун педагог атамасининг луғавий маъносини эсга олайлик, бу атама юнонча «пайне» - бола, «агогейин» - етакламоқ сўзларидан ташкил топган бўлиб, бола етакламоқ маъносини англатади. Бундай «бола етаклаш технологияси» деган атама келиб чиқади, бу тушунча таълим технологияси мақсади ва мантиғи зид бўлиб, таълим технологиясини мақсади ва мантиғига зид бўлиб, таълим технологиясининг ҳақиқий маъносини бермайди. Америкалик олимлар ва япон олими Сакомото «бола етаклаш» технологиясини эмас, балки таҳсил олувчилар фаоллигини таъминлайдиган, таълим жараёнининг самарадорлигини кафолатлайдиган технологияни яратиш ғоясини илгари суришган. Шунга асосланган ҳолда биз мазкур атамани «таълим технологияси» деб аталиши тарафдоримиз.

Юқори таъкидланганидек, таълим технологияси тушунчаси ўқитиш ва ўрганиш жараёнига тизим сифатида қарашни англатар экн, аввало тизим тушунчасини тушуниб олиш зарур.

Тизим деб, тартибланган, ўзаро узвий боғланган ва биргаликда умумий функцияни бажарувчи элементлар тўпламига айтилади. Мисол учун, автомобиль двигатели бир нечта тизимлардан иборат бўлиб, ҳар бир тизим бир нечта элементлардан ташкил топган. Мойлаш тизимини кўриб чиқадиган бўлсак, уни ташкил этувчи элементлардан бирортаси ишламай қолса ёки

ёмон ишласа, двигателнинг ишқаланувчи қисмига мой етиб бормайди ва натижада двигатель ишдан чиқади. Кўриниб турибдики, тизимнинг фаолияти уни ташкил этувчи ҳар бир элементи ва ўз навбатида ҳар бир элемент бирига чамбарчас боғлиқ.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: таълим жараёнини бир тизим деб қарайдиган бўлсак, уни ташкил этувчилари, яъни элементларига қуйидагилар қиради: таълим мақсади, ўқув мақсадлари (кутилаётган натижалар), таълим берувчи, таҳсил олувчи, таълим мазмуни, таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, назорат ва баҳолаш. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда юқорида санаб ўтилган элементлардан бирортаси эътибордан четда қолса ёки нотўғри танланган бўлса, тизим ишламайди, демаски, таълим жараёнининг олдида қўйилган мақсадга эришилмайди.

Илғор педагогик технологиянинг анъанавий услублардан асосий фарқи, унинг тўла-тўқис тизимлар назарияси қонуниятларидан келиб чиққанлигидадир.

Илғор педагогик технологиянинг аввалги услублардан афзаллиги, у таълим жараёнини бир бутунликда кўриб, таълим мақсади, унинг мазмуни, билим бериш усуллари ва воситалари ҳамда таълим олувчи ва таълим берувчиларни тизимга келтириб, таълим босқичларини лойиҳалаб, таълим жараёнини назорат қилиш ва таълим натижаларини баҳолаш каби қисмларини ўзаро узвий боғлаб тизимга келтириб туриб, унинг лойиҳасини тузишидадир.

Унинг анъанавий услублардан кейинги фарқи, у талабаларнинг ўзларига берилган билимни ёдлаб олиб айтиб беришига эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида амалий ишларни бажаришига йўналтирилганлигидадир.

Илғор педагогик технологиянинг бошқа таълим услубларидан навбатдаги фарқи, унинг ёрдами ўқув жараёни ташкил этилганда, дарс натижаси билим берувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ эмаслигидадир.

Илмий асосланиб, яхши лойиҳалаштирилган педагогик технология бўйича ҳар қандай ўқитувчи ҳам, аъло бўлмаса-да яхши дарс ўтади. Чунки педагогик технологияни педагог олим, методист ёки илғор тажрибали ўқитувчилар тузади, шу боис уларнинг педагогик маҳорати педагогик жараён лойиҳасида ўз ифодасини топган бўлади. Аввалгидек, «дарсдан кўзланган мақсадга объектив сабабларга биноан етиб бўлмайди» ёки «кутилмаган омилларга биноан дарс бузилди» ва шунга ўхшаш гапларга педагогик технологияда ўрин йўқ.

Илғор педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган хусусиятларидан ва тизимлар назариясининг қонуниятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги кенгайтирилган таърифни берамиз. ПТ – бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.

Педагогик технология, умуман олганда, репродуктив дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни ўқувчи (талаба)ларга типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган.

Педагогик технологиядаги репродуктив билим бериш жараёнида дарс аниқ бўлақларга бўлиниб, ҳар бир бўладига ўқувчи (талаба)лар билиши шарт бўлган натижалар кўрсатилади. Ўқув материаллар дарс мақсадидан келиб чиқиб, модулларга бўлинган бўлади. Ҳар қайси модулга тест саволлари тузилади. Ўқув жараёни аниқ саволларга конкрет жавоблар топишга қурилган бўлиб, саволлар ва жавоблар ўзаро узвий боғлиқликда бўлиши натижасида бир бутунликни, яъни тизимни ташкил қилади.

Педагогик технологияда репродуктив усул қаторида изланувчи – тадқиқот ва бошқа усуллар ҳам ишлатилади. Мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқароларини шакллантиришда халқ хўжалиги учун зарур бўлган маълум билим ҳажмига эга мутахассис ҳамда турли муаммоларга дуч келганда, мустақил изланиб, уларни ҳал қилиб кетадиган тадбиркор кишиларни тарбиялашда типик ҳаракатларга, репродуктив ва ностандарт вазиятлардан йўл топиб, чиқиб кетишга ўргатувчи тадқиқот усуллари мос тушади. Бизга зарур бўлган услуб ушбу икки анъанавий усуллар қотишмасидан ҳосил бўлиб, технологиялаштирилган интегратив услубдир. Уни педагогик технология дейилмоқда. Қуйида биз мавзунини ўқитиш учун фойдаланиш мумкин бўлган бир қатор илғор педагогик технологияларни кўриб чиқамиз.

«Ақлий ҳужум» бирор муаммони ечишда гуруҳ қатнашчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келадиган самарали усуллардан биридир. У, тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижобий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.


«Ақлий ҳужум» усулини қўллашда ўқитувчи гуруҳ иштирокчиларини тўплайди, улар олдида бирор муаммоли вазиятни ечиш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришни сўрайди. Мазкур босқичда иштирокчилардан ҳеч бири бошқа қатнашувчиларнинг ғояси, фикринини муҳокама қилиши ёки баҳолаши мумкин эмас. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинади, қанча кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунча яхши. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш, кенгайтириш, қайта ўзгартириш мумкин. Ғоялар ёзилган варақлар деворга осиб қўйилади. Берилган ғоялар асосида муаммони ҳал этишга ёрдам берадиган ечимни тинглаш учун муҳокама ўтказилади.

Бу ҳақиқатдан ҳам ўқувчиларнинг таълим жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғоялари баён этиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга

рағбарлантирувчи мумкин эмас, биргина ғоя гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига жалб қилади.

Ўқитувчи мавзу ёки саволни ажратиб, кейин эса ўқув фаолиги 5-10 дақиқа оралиғида вақт чегарасида енгиллаштирилади. Ақлий ҳужум турли тарзда қўлланиши мумкин. Масалан, қандайдир мавзунини ёки муаммони муҳокама қилиш орқали ҳал қилиш учун савол қўйиш.

«...баҳслашувчиларнинг бир-бирига нисбатдан фазовий жойлашувларига боғлиқ»¹⁵, яъни анъанавий дарс ўтказиш шаклида тингловчиларнинг бир-бирларининг юзларни кўриш имконияти чекланган бўлади, бундай ҳол эса тингловчиларнинг руҳий тайёргарлигига путур етказиши мумкин, аксинча доира шаклдаги стол атрофида жойлашиб, ўртага ташланган мавзу юзасидан эркин фикр билдира оладиган тингловчиларда баҳс-мунозара ўтказиш учун психологик тайёргарлик кузатилади.



Чизма. «Ақлий ҳужум» усулининг схемаси.

¹⁵ Каримова В.М. Психология. – Тошкент, 2000. -157 б.

Дарс мобайнида ўқитувчи мавзунинг характери ва у шакллантириши лозим бўлган билим, кўникма ва фазилатларга мос тарзда мунозара шароитини танлаши ва шундан кейингина машғулоти бошлаши керак. Масалан, кейинги пайтларда кенг кўламда қўлланилаётган мунозара юритишнинг «брейнштурминг» шаклини олиб қарайдиган бўлсак, бунда баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар.

Шуни эътироф этиш жоизки “brein storming” (инглизча «ақлий ҳужум») услуби америкалик олим А.Осборн томонидан 1930 йилда таклиф этилган бўлиб, унда лойиҳаларни режалаштириш ва унинг натижаларни олдиндан башорат қилиш кузда тутилган эди.

«Брейнштурминг» услубининг психологик моҳияти шундаки, мунозарага кирилганда баҳслашувчиларга мияга қандай фикр келса, уни танқидсиз, эркин айтиш имконияти берилади. Охирида эса баҳслашувчилар маълум рационал «мағз»ни ажратиб олишади.

Баҳс-мунозара. Ўқувчиларнинг танланган мавзу соҳасида мунозара қилишга ўргатиш уларнинг билимларини чуқурлаштиради, ўз фикрларини асослаш қобилиятини ривожлантиради.

Мунозарани ўтказиш учун:

1. Ўқитувчи баҳс-мунозара машғулоти учун муаммоли мавзу танлайди ва ўқувчилари мунозарага таклиф этилади.

2. Ўқитувчи қатнашувчиларга муаммони «Ақлий ҳужум» усули билан ечишни вазифа қилиб юклайди ва уни ўтказиш тадбирини белгилайди.

3. Ўқитувчи «Ақлий ҳужум» вақтида билдирилган ғоя ва фикрларни ёзма равишда ёзишни таклиф этади ёки уларни ёзиш учун котиб тайинлайди.

4. Ўқитувчи ўқувчиларни икки гуруҳга ажратади ва синфни икки томонига қатор қўйилган столлар ёнига ўтқазади ва ҳар бир гуруҳ қатнашчилари қайси нуқтаи назарни ҳимоя қилишларини белгилайди. Шундан сўнг 1-гуруҳ ўқувчиларига рақамланган варақлар тарқатилади ва 5

дақиқа давомида ўзлари маъқуллаётган нуктаи назар фойдасига битта далилни ёзиш топширилади.

5. 1-гурух аъзолари томонидан ёзилган варақлар қарши гуруҳдаги шерикларига берилади. Улар шерикларининг далилларига қарши жавоб топиши ва ёзиши учун ҳамда ўз қарши далилларини баён қилишлари учун 10 дақиқа вақт ажритилади.

6. Ўқувчилар билимларини аниқлаш учун далиллар алмаштиришни 2-3 марта такрорлаш етарлидир.

7. Баҳсларга яқун чиқаришнинг яхши шакли иккала томонга қаратилган саволдир: қарши томоннинг энг яхши далил исботлари қайсилари бўлди.

8. Ўқитувчи томонидан мунозара қатнашчиларини баҳолаш. Аммо бу ҳақида ўқувчиларнинг дарснинг бошидаёқ огоҳлантириши керак. Баҳс–мунозарани ўтказиш босқичлари -расмда келтирилган.

Мунозара – таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоя муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Талаба томонидан «ўз сўзи» ўзига хос услуб асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вақтида талабалар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда талабалар ўз фикрларини ишонч билан очиқ айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари керак.

Мунозара усулидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланиш мумкин:

- янги билимларни шакллантириш;
- таълим олувчиларда у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб кўриш, туб маъносига етишга ва (мотивация)ни таъминлаш;
- коммунактив кўникмаларни шакллантириш, ўқувчиларга ўз фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишга ёрдам бериш;

Мунозарани ўқитиш талаблари ва қоидалари талабларга олинади.

- мавзу таҳлаб олинади;
- мавзуга иш режа тузилади;
- мавзунинг қисқача мазмуни берилади;
- мавзуга шу мунозарани ўтказишдан кўзланган мақсад белгиланади.

Мунозаранинг самарадорлиги бир қатор омилларга боғлиқдир:

- таълим олувчиларнинг тайёргарлигига, яъни ўз фикрини билдира олмаса, оппонентларни ишонтира олмаса, мунозара чалка шва қарама-қарши тус олади. Шунинг учун ўқитувчи таълим олувчиларда ўз фикрини аниқ ва равшан баён эта олиш қобилиятини шакллантиришга, саволларни пухта ва маъноли қилиб аниқ ифода этишга, муайян исботлар келтиришга эришиши лозим ва ҳ.к.;

- мунозарани фақат жамоада соғлом муҳит бўлгандагина, қатнашчилар бир-бирлари билан дўстона муносабатда бўлгандагина ўтказиш мумкин;

- мунозара мавзу фикр алмашиш учун мос бўлган ўқувчилар берилган мавзу бўйича етарли билимга эга бўлган тақдирдагина муваффақиятли чиқади.

Муаммоли таълим ёки лойиҳалар усули. Муаммоли таълим ХХ асрнинг 20-йилларида Америкалик олим Ж.Дьюи ва унинг шогирди В.Х.Килпатрик томонидан таклиф этилган. Бу технология таълим жараёнида ўқитувчи томонидан муаммоли вазиятлар қўйилиши ва ўқувчиларнинг ушбу муаммони ҳал этиш орқали билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга асосланади.

Муаммоли таълимда ўқитувчи куйидаги усуллар воситасида муаммоли вазиятлар ҳосил қилади:

- ўқитувчи ўқувчиларга зиддиятни кўрсатиб, уларнинг уни ҳал этиш йўлини топишга ундайди;
- амалий фаолиятдаги қарама-қаршилиқлар билан тўқнаштиради;
- бир мавзу бўйича турли қарашларни баён этади;

- синфда ўқувчиларга ҳодисаларни турли нуқтаи-назардан қараб чиқишни таклиф этади (масалан, юрист, молиячи, ўқитувчи кўзи билан қараш ва ҳ.к.);

- ўқувчиларни таққослашга, умумлаштиришга, вазиятдан хулоса чиқаришга, далилларини солиштиришга ундайди;

- ўқувчилар олдига аниқ саволлар қўйиб, уларни умумлаштиришга, асослашга, аниқлаштиришга, мантиқий фикрлашга чақиради;

- муаммоли назарий ва амалий топшириқлар беради;

- муаммоли масалаларни (масалан, етарли бўлмаган ёки ортиқча маълумотли ёки савол ноаниқ қўйилган, бир-бирига зид берилган ёки олдиндан хатога йўл қўйилган ёки ечилишга чекли вақт қўйилган масалалар).

Муаммоли технологияни амалиётда қўллаш учун қуйидагилар керак:

1. Энг долзарб муаммоларни танлаш.
2. Турли ўқув ишларида муаммоли таълим хусусиятларини аниқлаш.
3. Муаммоли таълимнинг энг самарали тизимини яратиш.
4. Ўқитувчининг ўқувчилар тақиқот ишини ташкил этишдаги маҳорати.
5. Муаммоларни ҳал этишдан кутилаётган натижаларнинг амалий, назарий, билим олишга оид аҳамияти (масалан, тадқиқот натижалари асосида турли ташкилотларга ҳисобот ёзиш, газета, журналларда чиқиш қилиш ва ҳ.к.).

Ахборот технологиялари даврида муаммоларни ҳал этиш учун синф, мактабдаги ўқувчиларнинг ҳамкорлигидан ташқари турли мактаб, шаҳар ва мамлакатлар ўқувчиларнинг ҳамкорлигини амалга ошириш мумкин. Бунда муаммоли таълим технологиясининг асосий усули – ўқув телекоммуникацион лойиҳалар усулидир. Эндиликда муаммоларни ҳал этиш учун ўқувчиларни маҳаллий кутубхона ва оддий ахборот воситаларидаги материаллардан фойдаланишини ўрганига, уларни интернет тизими орқали муаммони ҳал этишга дунёнинг бошқа жойларидаги материалларда фойдаланишга ўргатамиз.

Машғулотларни муаммоли тариқа олиб бориш ўқувчилар фаолиятини оширади ва уларни дарсга онгли иштирок этишга ундайди. Муаммоли дарс ўқувчи томонидан муаммоли вазият ўтказиш, лаборатория ишларини бажариш, масалалар ечиш орқали амалга оширилади ва ўқувчилар иштирокида муаммо ойдинлаштириб бошлади.

Муҳокама этиладиган муаммо ўқувчилар билимга мос бўлмоғи, унга эришиш учун ўқувчиларда қизиқиш уйғотмоғи лозим.

Муаммоли дарсни қуйидаги йўллар билан амалга ошириш мумкин:

1. Ўқувчи ўзи муаммони қўйиб, ўзи масала ечишни кўрсатиб беради.
2. Ўқитувчи муаммоли вазиятни юзага келтириб ўқувчилар иштирокида муаммони ҳал этади.
3. Муаммо фақат ўқувчилар томонидан (лаборатория ишлари, масала ечиш, кузатиш, тажриба орқали) ечилади.
4. Ўқувчиларга муаммони қўйишни ва уни ечишни таклиф этиш.

Дастур тузиш усуллари:

1. Чизиқли усул. Бу усулда берилган ҳар бир қисм материалларига жавоб кутилади, жавоб тўғри бўлса, навбатдаги бўлакка ўтилади. Агар жавоб нотўғри бўлса, у қайта ўқилади. Ўқув мақсади савол, формула, чизиқ, чизма тарзида берилиши мумкин. Жумладан, «Ўзгармас занжирда электр қаршилиги қайси формула орқали ҳисобланади». Чизиқли дастурлашда бир саволга бир неча жавоб берилиб, шулардан тўғриларини танлаш сўралади. (38 сония) 4-расм).

2. Тармоқланган дастур усули. Бунда ўқув мақсади босқичма-босқич берилиб борилади. Тўғри жавоб олинса, 2-бўлимга ўтилади (5-расм).

«Ҳамкорликда ўқиш» педагогик технологиясини америкалик педагогларнинг учта гуруҳи: Хопкенс университетдан Р.Славин, Миннесота университетидан Р.Жонсон ва Д.Жонсон, Калифорния университетидан Ж.Арансон гуруҳи мукамал ишлаб чиққан. Усуллар нимаси билан фарқ қилади? Анъанавий ўқитиш тизимида ҳар бир ўқувчи фақат ўзи учун

ўқийётгандай бўлади. Ўқитувчи «ўртача» ўқувчи двражасига мослашиши керак.

Бунда ўқувчи ўзининг ўқиш учун бошқалар (ўқитувчи, ота-она)ни масъул деб ҳисоблайди. Синфда 30 та ўқувчи бўлганда ва ҳатто синф иккига бўлинганда ҳам ўқувчига ёрдам бериш имкони йўқ. Натижада бўш ўқувчи ўқитишда тобора орқада қолади, кучли ўқувчи ҳам олдинги жадал кетиш имкониятига эга бўлмайди.

«Ҳамкорликда ўқиш» технологиясининг бир неча вариантлари мавжуд: Student Team Learning (STL – командада ўқитиш), Jigsaw (нафис апра) ва Learning Together (бирга ўқиш).

«Ҳамкорликда ўқиш» технологиясининг қўллаш учун:

1. Аввал синфни 4-5 кишилиқ кичик гуруҳларга бўлиш керак.
2. Ҳар бири гуруҳда кучли, ўрта ва кучсиз ўқувчи бўлишига эътибор бериш зарур.
3. Синф хонасида парталарнинг қўйилиши кичик гуруҳларга ишлашга ёрдам берсин. Гуруҳ иштирокчилари доира шаклида ўтирсин ва бир-бирини кўриб турсин.
4. Дарсга тайёргарлик давомида мавзунинг қандай қисмини ўқитувчининг ўзи тушунтириши, қайси қисмини эса ўқувчилар бажаришини режалаштириб келинг. Бунда дарс олдида қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ўқувчига қўйиладиган топшириқлар аниқ бўлиши керак. Агар, топшириқ янги мавзуга доир саволларга жавоблардан иборат бўлса, кучли ўқувчига қийин саволлар берилиши керак. Бу ўқувчи ўзининг гуруҳчасининг жавобларини биринчи бўлиб айтсин. Қолган ўқувчилардан бири бу ўқувчининг жавобини дарсликдан текшириб, тўғри-нотўғрилигини айтиш, учинчи ўқувчи эса жавоб тўғри бўлса, уни дафтарга ёзиши, тўртинчиси жавобини исботловчи мисоллар келтириши зарур. Кейинчалик ўқувчилар ўз ролларини алмаштиришлари мумкин. Шундан сўнг кичик гуруҳдаги ўқувчилар ўзларига берилган саволларнинг муҳокамасига чиқишлари керак.

Агар, кичик гуруҳда физика машқлари, масалаларни ечиш режалаштирилган бўлса, унда битта ўқувчи масала шартини дафтарга ёзади, қолганлари шарт тўғри ёзилганлигини, бошланғич шартлар тўғри аниқлангалигини текширади, иккинчи ўқувчи масала қандай физик қонуниятларга доир эканлигини аниқлайди ва масалани ечиш учун зарур бўлган физикавий доимийликларни, жадвалда берилган катталикларни топади, тўртинчи ўқувчи масалани ечади, бешинчиси эса унинг математик томонини ва ечимини текширишга жавобгардир.

«Ҳамкорликда ўқиш» технологияси билан лаборатория машғулотларини ўтказишда кичик гуруҳчанинг ҳар бир аъзосининг вазифаларини қуйидагича белгилаш мумкин: биринчи ўқувчи тажрибани ўтказиш тартибини режалаштиради, иккинчи ўқувчи тажриба учун керак бўлган асбоб-жиҳозларни танлайди, учинчи ўқувчи ўлчашларни ўтказди, тўртинчиси эса ўлчов натижаларини ёзади ва ҳисоботни тайёрлайди.

5. Дарснинг мақсади ва ўқувчиларга топшириқларни етказиш. Бу топшириқлар ҳамма гуруҳлар учун бир хил бўлса, уни доскага ёзиш мумкин, алоҳида бўлса, варақларга аниқ ёзиш ва тарқатиш керак.

6. Дарсга ўтиладиган мавзу ҳажмини аниқлашда «Ҳамкорликда ўқиш» технологияси билан ишлашда кўпроқ вақт кетишини ҳисобга олинг. Чунки ўқувчилар гуруҳларда бир-бирига ёрдам беришга, бир-бирини фикр мулоҳазаларни эшитиб умумий жавобга келишларига маълум вақт кетади. Бошқа гуруҳларга нисбатдан вазифани олдинроқ бажарган гуруҳни банд қилиш йўллариини ўйлаб кўринг.

7. Иш вақтида ўқитувчи гуруҳлар атрофида юриб, керакли йўл-йўриқлар, саволларга жавобларни беради, гуруҳда рўй бераётганларни кузатиб баҳолайди.

8. Баҳолаш ва мукофотлаш тизими кичик гуруҳ аъзоларига қандай таъсир қилиши ҳақида ўйлаб кўринг. Гуруҳ фаолиятини баҳолашда ўқувчилар ўзаро муносабатларини ҳам ҳисобга олинг. Ҳар бир дарсда

Ўқувчилар гуруҳларда қандай ишлаганликлари, бир-бирига қандай ёрдам берганликларини, ривожлантириш йўллари ҳақида хулоса чиқаришлари учун махсус вақт ажратинг.

«Бумеранг» интерфаол технологияси. Бу технология ўқувчи (талаба) ларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиёт, материаллар билан ишлаш, ўрганилган материалларни сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи (талаба)ларни баҳолай олишга қаратилган.

Мазкур технологик машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган.

У турли мазмун ва характер (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли баллни тўплашга имконият беради.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш мантиқий шакллантиришга имконият яратади; хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Мазкур интерфаол усули таълим билан бир қанча тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомалалик;
- кўникувчанлик;
- ўзгалар фикрига ҳурмат;
- фаоллик;
- раҳбарлик сифатларини шакллантириш;
- ишга ижодий ёндашиш;

- ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш;

- ўзини холис баҳолаш.

Тармоқлар (кластер) интерфаол технологияси. Бу интерфаол методи – ўқувчи (талаба)ни мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишга ўргатишга қаратилган.

Фикрлашнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчи (талаба)ларнинг бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга тааллуқли тушунчага ёки аниқ фикрни эркин ва аниқ равишда маълум кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқланишларига ўргатади.

Мазкур интерфаол метод билан бир мавзуни чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиш мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчи (талаба)ларни ушбу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклда ифодалашга ундайди.

«Кластер» методи ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш қуйидагича амалга оширилади:

Ўқувчи (талаба)лар гуруҳларга бўлинадилар ва уларга белгиланган вақт ичида мавзу бўйича қандай тушунчаларни ўзлаштирган бўлсалар, уларни қоғозга ёзиш вазифаси топширилади. Вазифани бажариш жараёнида фикрларнинг тўғри ёки нотўғрилигига аҳамият бермаслик, нимани ўйлаган бўлса, шуни ёзиб бориш талаб этилади. Ёзувнинг техник (орфографик, мантиқий ва ҳ.к.) жиҳатларига эътибор бермаслик айтиб ўтилади. Фикрлар тугагандан кейин гуруҳ аъзолари тушунчаларни мантиқий жиҳатдан бирига боғлаб чиқадиладар.

Қуйида ушбу интерфаол метод учун намуна сифатида IX синф тарих фани бўйича «Жаҳон динлари» ҳамда олий ўқув юрти «Физика тарихи» ва

«Математика фани тарихи» ўқув предметлари бўйича «Улуғбек фан маориф хомийси» мавзуларининг тасвирини келтирамиз.

Ҳамкорлик педагогикаси. Ўқувчи фаолият субъекти ҳисобланади. Шу боис бир жараённинг икки субъекти биргаликда ҳаракат қилиши, ҳамкорлик, партнер бўлишлари, ёши катта ва тажрибали киши билан тажрибаси кам ўртасида иттифоқ тузиши; уларнинг ҳеч бири бир-бирига нисбатан устунлик қилмаслиги керак.

- ўқувчи-ўқитувчи муносабатларидаги ҳамкорлик мактаб жамоаларининг умумий ҳаётининг фаолиятида амалга ошади. Бу ҳамкорликнинг шакллари – ҳамжиҳатлик, шериклик, биргаликдаги ижодийлик, биргаликда қайғуриш, биргаликда бошқариш;

- умуммактаб жамоаси кўламида ҳамкорлик муносабатлари ўқитувчилар, маъмурият, ўқувчилар ва ўқитувчилар ташкилотлари ўртасида ўрнатилади; ҳамкорлик принципи ўқувчилар, ўқитувчилар ва раҳбарларнинг ижтимоий муҳит (ота-оналар, оилалар, ижтимоий ва меҳнат ташкилотлари) билан бўладиган муносабатларнинг барча турларига ҳам қўлланилади.

Таълим соҳасида эркинликка ижодий фаолиятни эркин танлаш ва бунинг учун имконият яратиш орқали эришилади. Бундай шароитда мустақил равишда билим олиш педагогикани ишлаб чиқиш, хусусан таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятининг турли хилида ўз иқтидорларини намоён қилишига ёрдам берувчи педагогик технологияларни жорий этиш энг муҳим педагогик муаммо ва амалий вазифасига айланади. Бу йўналишдаги изланишларнинг реал ечими – турли турли тадбирлардан, расмий педагогикадан воз кечиб, эркин ўқиш ва эркин ўқитишни уйғунлаштирадиган эркин педагогика, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигига ўтиш йўлидир.

Янгиланаётган жамият ўз аъзолари ўртасида ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдамга асосланган мутлақо янги муносабатларни шакллантиради. Ижтимоий муносабатларнинг бундай қадриятлари таълим жараёнида ўз ифодасини топиши лозим. Авторитар педагогикада ҳамжиҳатлик тушунчаси

педагогнинг ўқувчига нисбатан педагогик фаол ҳаракатлари натижасида шаклланиши шарт эканлиги, шунингдек, бола катталарнинг тарбиявий таъсирини сўзсиз қабул қилишга тайёр бўлиши сифатида талқин қилинган. Башарти, аввалги педагогика расмий (буйруқбозлик) ва бир томонлама таъсир кўрсатиш қоидаси асосига қурилган бўлса, ҳозирги педагогика биргаликда фаолият кўрсатиш қоидасига асосланган бўлиши лозим. Бу нафақат педагогларнинг янги авлодини шакллантиришни, уларнинг педагогик маҳоратини оширишни назарда тутаяди, балки ривожланиш учун тегишли педагогик муҳитни юзага келтиришни ҳам тақозо қилади. Ҳамжихатлик, ҳамкорлик доимо демократия кўринишларидан бири бўлиб келиб, шерикнинг индивидуал манфаатларини қабул қилишга асосланади.

Олдинда турган вазифа педагог ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайдиган, ишонч ва манфаатларга риоя этилишига кўмаклашадиган, ўқувчининг қобилияти намоён бўлиши учун имконият яратиладиган ўзаро муносабатлар тизимини юзага келтиришдан иборатдир.

Ўқув-тарбия жараёнини муваффақиятли ташкил этиш учун унинг барча субъектлари, яъни ўқувчилар, ўқувчи ва ўқитувчи, ўқитувчилар, ўқутувчи ва таълим муассасасининг маъмурияти ўртасида ўзаро тушуниш муҳити ўқитувчининг назорати ва авторитар хатти-ҳаракатоарига қарши бирлашиш усули сифатида ҳам вужудга келиши мумкин.

Бунинг асосий сабаби шундаки, аввалги таълим кадриятлари ўқув материалларини ўзлаштириш суръати ва ҳажмлари «ўрточа» бўлиши ва барча ўқувчилар бир вақтнинг ўзида ўзлаштиришлари лозим деган (яъни «ўрточа» ўқувчига қарата йўл тутилганлиги ва тегишлича битирувчилар шундай савияда бўлиши) қоидага асосланганлигидадир; ўқитувчи ҳамиша ҳақ бўлган, ўқувчи эса доимо ва албатта ўқитувчи кўрсатмалари доирасида фикрлаши ва амал қилиши шарт бўлган.

Ўқитувчилар болаларга нисбатан меҳр ва ишонч билан муносабатда бўлсалар, ўқувчилар эса ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш ва

манфаатларига эришишда эркин бўлсаларгина, биргаликдаги фаолиятда ўзаро тушунишга эришилиши мумкин. Қарама-қаршиликлар барҳам топганда, болалар катта ёшдагилар билан ўзаро бир-бирини тушунгандагина тўлиқ ҳамкорликка эришилади. Ўқитувчи ўқишда ёки ҳаётдаги ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал этилишида болаларга ёрдам беришга шай бўлсагина, уларнинг яқин дўстига айланиши мумкин. Ана шунда улар «диктатор» деган тамгадан қутилади.

Ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатни анъанавий «устоз-шогирд» ўзаро муносабатларига хос чуқур инсоний эҳтиромли асосларга олиб чиқиш – таълимни инсонпарварлаштиришнинг бош йўналиши бўлиб, таълим жараёни субъектларини ўзаро тушунишини ва ҳамкорлигини таъминлайди.

Бундай ҳолатда ҳар бир ўқувчи фаолиятнинг муайян турида ўз қобилиятини намоён этиб, бошқаларга иштиёқ билан кўмаклашади. Ўзаро тушуниш муҳитида болаларни кучли ва бўш ўқувчига ажратиш бўлмайди, таъсирнинг бундай «омили» барҳам топади. Хўжакўрсин учун эмас, балки реал ўзаро таъсир тушуниш муҳитига ўқитувчининг ўқувчи шахси қадриятларини ва унинг ютуқларини англаб етиши орқали эришилади. Педагог шахснинг ривожланишини ўртача нормага қиёсламайди, у ўқувчининг ижодий ютуғи аҳамиятини ошириш ёки ҳар бир ўқувчи ўз имкониятидан умумий аҳамиятга эга бўлган мақсадга эришиш йўлида имкон қадар унумли фойдаланиш орқали болаларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади.

3-боб. Асосий воситалар ҳисоби мавзусини ўқитиш методикаси.

3.1. Маъруза машғулоти методикаси.

Ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида маъруза ўқув жараёнининг асосий бўғини, дарс ўтишнинг асосий шакллари билан бириктирилади. Маъруза профессор-ўқитувчининг ўқувчи-талабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли ва уни бошқа ҳеч қандай ўқув шакли билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг олдида қўйиладиган мақсад ҳар хил бўлиб, бу мақсад максимал даражада амалга ошириши учун, унинг функцияларига аҳамият бериш керак.

Маъруза қандай фандан ўқилишидан қатъий назар, илмий характерга эга бўлиши, турли назарий йўналишлар, илмий мактабларнинг асосий ғояларини талабалар онгига етказиши ва олган билимини ишончга айлантириши керак. Худди шу сингари касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим берувчи муассасаларда “Бухгалтерия ҳисоби”, “Аудит” фанлари бўйича маъруза машғулоти талабаларга фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича дастлабки ва асосий тушунчаларни беришга хизмат қилувчи, ўқитувчининг аудитория билан мулоқотга киришишга асосланган илмий-услубий жараёндир.

Таълим жараёнида маъруза ўқиш, энг аввало, унга тайёрланишдан бошланади. Бунинг учун биринчи навбатда, мавзу бўйича маъруза матни ишлаб чиқилиши керак. Маъруза матнини тайёрлашда унинг мазмунини фан бўйича тасдиқланган инчи ўқув дастурига мос келиши керак. Шундан кейин маъруза мазмунини бўйича адабиётлар ҳамда бошқа ахборот базаси танлаш ҳамда улар билан танишиб чиқиш керак.

Шундан сўнг, фан бўйича ишлаб чиқилган дастурга кўра, маъруза режаси ва режа бўйича матн тайёрланиши ҳамда дарсни ўтказишда қўлланиладиган методларни танлаб чиқиш, дарс жараёнини технологик тизим сифатида таркиби, кетма-кетлигини аниқлаш лозим.

Албатта, маърузанинг методик жихатдан ёритилиши, баён этилиши кўйилган мақсад, ўрганилаётган фаннинг, мавзунинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Маъруза фақатгина иқтисодий ривожланишнинг асосий қонуниятларини очиқ бериш билан чекланиши керак эмас, фаннинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда илмнинг амалиётда қандай аҳамиятга эга эканлигини, ҳаётда реал муаммоларни ечишдаги аҳамиятини, ечиш йўллариини ҳам кўрсатиши керак.

Хусусан биз ушбу тадқиқот ишида “Асосий воситалар ҳисоби” мавзуси бўйича маъруза машғулотини ташкил этиш методикасини ишлаб чиқамиз.

Юқоридаги мавзунинг ўтилгунча талабалар билиши лозим бўлган билим ва малакалар бўлиб, асосий воситалар тушунчаси, асосий воситаларнинг турлари, асосий шакллари, асосий воситалардан фойдаланиш масалалари ва бошқалар ҳисобланади.

Маъруза машғулотини олиб боришда ўқитувчининг мотивацион вазифаси бўлиб, юқоридаги мавзу бўйича чуқур маънога эга саволларни кўйиб талабаларни фаннинг кейинги мавзуларини ва фанни ўрганишга қизиқтириш; ўргатувчи вазифаси бўлиб, мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни билан таништириш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини очиқ бериш; ривожлантирувчи вазифаси бўлиб, мантиқий, таҳлилий фикрлашни шакллантириш тушунилади. Мавзунинг ўқитиш методикасининг асосий жараёнларидан бири бу технологик харита тузиб олиш ҳисобланади. Чунки замонавий таълим жараёнида дарсни режа асосида ўтказиш унинг самарадорлигини оширувчи омилларнинг биринчиси ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мавзу бўйича қуйидаги технологик харитани тузиб оламиз:

<i>Тингловчиларнинг сони: 50-80 та</i>	<i>Вақти – 4 соат</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Ахборот маърузалари “Инсерт”, “Блиц-сўров”, «Мунозара» ва “Ақлий ҳужум” усулларидан фойдаланиб ўтказилади.
<i>Маъруза режаси</i>	1. Асосий воситалар ҳисобининг

	<p>аҳамияти ва ташкил этилиши.</p> <p>2. Асосий воситаларни туркумлаш ва баҳолаш тартиблари.</p> <p>3. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатлаштириш.</p> <p>4. Асосий воситалар аналитик ҳисобини юритиш.</p> <p>5. Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга ҳисобга олиш.</p> <p>6. Капитал куйилмаларни, асосий воситаларнинг кирими ва чиқимини ҳисобга олиш.</p> <p>7. Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисоблаш тартиби.</p> <p>8. Асосий воситаларни таъмирлаш тартиби ва харажатларини ҳисобга олиш.</p> <p>9. Асосий воситаларни қайта баҳолашнинг зарурияти, тартиби ва натижаларини қайд қилиш.</p>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i>	Асосий воситалар бўйича тушунчани шакллантириш, уларни ҳисобга олишнинг аҳамияти, мақсади, ҳужжатлаштириш тартиби ва меъёрий ҳужжатлар каби масалалар тўғрисида маълумот бериш.
<i>Ўқитувчининг вазифалари:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> – асосий воситалар ва номоддий активларни уларнинг туркумлари ва аҳамияти тўғрисида тушунча бериш; – асосий воситалар ҳисобини юритишнинг хусусияти ва тартиби бўйича маълумот бериш; – асосий воситалар ҳисобига тегишли меъёрий ҳужжатлар тўғрисида ахборот бериш; – асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш, қайта баҳолаш ва таъмирлаш ҳисобини юритиш тартибини тушунтириш. 	<ul style="list-style-type: none"> – асосий воситаларни туркумлайди ва улар ҳисобининг хусусиятини аниқлайди – асосий воситалар ҳисобини тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатларнинг моҳиятини тушунтира олади; – ҳисобга олиш ва ҳужжатлаштириш тартиби билади; – асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ва қайта баҳолаш бўйича маълумотга эга бўлади; – турли хил чиқишлар бўйича молиявий натижани аниқлай олади.

<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза, қисқа савол-жавоб, мавзуга йўналтирилтирувчи саволлар.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материаллар, слайдлар орқали компьютер ёрдамида тақдимот.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоа билан ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Проектор ёки компьютер орқали тақдимот ўтказишга ихтисослашган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Технологик харитага асосан маъруза машғулоти тўрт босқичга бўлиб оламиз. Мавзу бўйича маъруза машғулотига тайёрланиш даврида аввалги дарснинг якунида талабалага берилган вазифа, топшириқлар бўйича қисқача “Блиц савол-жавоб” методи қўлланган ҳолда савол-жавоб қилинади. Бунда талабалар оғзаки жавоб беришади ва асосий тушунчаларнинг мазмунини айтишади.

Технологик харита асосида маъруза машғулоти ташкилий қисмида талабалар билан саломлашилади, аудитория ҳолатининг дарсга тайёрлиги текширилади, талабалар давомади аниқланади ҳамда талабалар билан ҳафтанинг асосий иқтисодий воқеалари тўғрисида 5 минут мулоқот олиб борилади. Билимларни фаоллаштириш қисми учун 18-20 дақиқа вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ.

Маъруза машғулотининг кириш босқичи, бу қисм бошланғич босқич бўлиб, ундан янги мавзу ўтган мавзулар билан боғланади. Мавзунинг мақсади, дарс натижаси ва мавзунини ўтказиш режаси эълон қилинади. Бу босқичда талабаларга “Корхоналар фаолиятида фондлар, резервлар ва махсус фондларнинг аҳамияти нимада, деб ўйлайсизлар?” мазмунида содда савол билан аудиторияга мурожаат қилинади. Бу ҳолатда “савол-жавоб” методи қўлланган ҳолда ўқувчи-талабалар билан қисқа мулоқотга киришилади.

Бунда талабалар эшитадилар, жавоб берадилар ва ёзиб оладилар. Талабалар фикрини умумлаштириб мавзу бўйича умумий-бошланғич маълумот берилади:

Маърузанинг технологик картаси (1-машғулот)

<i>Жараёнлар ва вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Тингловчилар</i>
<i>1- босқич. Кириш (5 мин.)</i>	<p>1.1. Маърузанинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2. Машғулотда кўриладиган масалаларнинг бошқа мавзулар билан боғлиқлиги тўғрисида маълумот беради.</p>	<p>1.1. Тинглашади.</p> <p>1.2. Тинглашади ва қайд қилиб боришади.</p>
<i>2- босқич. Билимлар- ни фаол- лаштириш (20 мин.)</i>	<p>2.1. Аввалги машғулотда мустақил ўрганиш учун берилган саволлар асосида билимларни эсга солиш учун тингловчилар билан “Блиц-сўров” усулида савол-жавоб ўтказилади.</p> <p>2.2. Мавзуни “Инсерт” услубидан фойдаланган ҳолда мустақил ўрганиш натижалари муҳокама қилинади.</p>	<p>2.1. Саволларга жавоб беришади.</p> <p>2.2. “Инсерт” услубидан фойдаланиб мавзуни ўрганиш натижалари баён этилади.</p>
<i>3- босқич. Асосий (45 мин.)</i>	<p>3.1. Машғулотда кўриб ўтиладиган режа саволларини эълон қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Узоқ муддатли активлар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти. ➤ Асосий воситаларни туркумлаш ва баҳолаш тартиблари. ➤ Асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳужжатлаштириш. ➤ Асосий воситаларнинг аналитик ҳисобини юритиш. 	<p>3.1. Берилган маълумотларни ўзларида қайд қилиб боришади. 3.2. Ҳар бир савол якунидаги муҳокамада иштирок этишади.</p> <p>3.3. Берилган саволларга ўз фикрларини баён</p>

	<p>3.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради ва ҳар бир режа саволининг охирида қисқа муҳокама асосида умумлаштирувчи фикр баён этилади. Жараён слайдларни намоёиш қилиш билан олиб борилади (1-2-3-илова).</p> <p>3.3. Машғулот давомида тингловчиларга саволлар билан муурожаат этилади (4-илова) ва “Ақлий хужум” усулидан фойдаланиб, барча ғояларни ёзиб боради, ҳамда умумлаштиради.</p>	этишади.
<p>4- босқич. Якуний (10 мин.)</p>	<p>4.1. Ўтилган мавзу юзасидан якуний хулоса чиқарилади.</p> <p>4.2. Мавзу юзасидан мустақил ўрганиш учун саволлар берилади (5-илова).</p>	<p>4.1. Тинглашади.</p> <p>4.2. Саволларни ёзиб олишади.</p>

1-илова (3.1.1.)

АВ-1 шакл - «**Асосий воситаларни қабул қилиш ва бериш акти**» - асосий воситаларнинг кирим ва чиқимини қайд қилиш учун.

АВ-2 шакл - «**Таъмирланган мукамаллаштирилган ва реконструкция қилинган асосий воситаларни қабул қилиш ва топшириш акти**»-объектларнинг бошланғич қийматининг ошишини қайд қилиш учун.

АВ-3 шакл - «**Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш**» объектларни тугатиш учун.

АВ-4а шакл - «**Автотранспорт воситаларини тугатиш акти**».

АВ-7 шакл - «**Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар**

карточкалари» - ҳар бир асосий воситанинг ҳолати ва ҳаракатини алоҳида қайд қилиб беради.

АВ-8 шакл - **«Асосий воситаларнинг ҳаракатини қайд қилиш карточкаси»** - уларнинг кирим ва чиқимини ҳисобга олиб боради.

АВ-9 шакл - **«Асосий воситаларнинг инвентар рўйхати»** - уларнинг фойдаланиш жойлари бўйича ҳисобини ташкил қилиш учун ишлатилади.

2-илова (3.1.1.)

АВ-7 намунавий шакли

Инвентарь карточкалар рўйхати

Карточка рақами	Инвентар рақами	Объект номи
981 ва ҳоказо	2264	Токар станогии

3-илова (3.1.1.)

АВ-8 намунавий шакли

Асосий воситалар ҳаракати ҳисобининг карточкаси

«Импорт» гуруҳи (сўм)

Ҳисобот даври	Ҳисобот даври-нинг 1-кунида мавжуд бўлган асосий воситалар	Келди хам-маси	Кетди хам-маси	Шу жумладан эскириш ва ишдан чиқиши натижасида	Эскириш (январь ойидаги ҳамма-си, кейинги ойлардаги ўзгариш суммалар и)	Тугалланган капитал тузатишга кетган харажат-лар
Апрель	135796	11450	-	-	9500	4050
Май	147247	18700	3400	2500	8400	3600
Июнь	162547	4500	7000	5500	26050	3250
Кварталга жами ва х.к.	Х	34650	10400	8000	26050	10900

“Ақлий хужум” усулидан фойдаланиш учун саволлар:

- ❖ Асосий воситаларнинг моҳияти ва ҳисобининг вазифаларини тавсифланг.
- ❖ Асосий воситалар қандай тартибда туркумланади?
- ❖ Асосий воситаларни баҳолаш тартибини ёритинг.

Мустақил ўрганиш учун саволлар:

- ❖ Асосий воситаларнинг ҳисоби қандай ҳужжатларга асосан юритилади?
- ❖ Ўрнатиладиган ускуналарни ва ҳисобини юритишни тавсифланг.
- ❖ Капитал қўйилмалар ва улар қандай ҳисобга олинади?
- ❖ Эскиришни ҳисоблаш тартибини ёритинг.
- ❖ Асосий воситалар ва номоддий активлар қандай тартибда ва ҳужжатларга асосан таъмирланади?

Маърузанинг технологик картаси (2-машғулот)

<i>Жараёнлар ва вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Тингловчилар</i>
<i>1- босқич. Кириш (5 мин.)</i>	1.1. Маърузанинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради. 1.2. Машғулотда кўриладиган масалаларнинг бошқа мавзулар билан боғлиқлиги тўғрисида маълумот беради.	1.1. Тинглашади. 1.2. Тинглашади ва қайд қилиб боришади.
<i>2- босқич. Билимлар- ни фаол- лаштириш</i>	2.1. Аввалги машғулотда мустақил ўрганиш учун берилган саволлар асосида билимларни эсга солиш учун тингловчилар билан “Блиц-сўров”	2.1. Саволларга жавоб беришади.

(15 мин.)	узулида савол-жавоб ўтказилади.	
3- босқич. Асосий (50 мин.)	<p>3.1. Мавзунинг ушбу машғулотада кўриладиган режаси эшиттирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга ҳисобга олиш. ➤ Капитал қуйилмаларни, асосий воситаларнинг кирими ва чиқимини ҳисобга олиш. ➤ Асосий воситалар эскиришини ҳисоблаш тартиби. ➤ Асосий воситаларни таъмирлаш тартиби ва харажатларини ҳисобга олиш. ➤ Асосий воситаларни қайта баҳолашнинг зарурияти, тартиби ва натижаларини қайд қилиш. <p>Мавзу режа асосида кетма-кет ёритиб берилади.</p> <p>Мавзунинг ёритишда 1-2-3-иловада келтирилган слайдлар проектор ёки компьютер орқали намойиш этилади ва тушунтирилади.</p> <p>Ҳар бир саволдан сўнг берилган маълумотлар қисқа муҳокама қилинади.</p>	<p>3.1. Берилган маълумотларни ўзларида қайд қилиб боришади.</p> <p>Ҳар бир савол якунидаги муҳокамада иштирок этишади.</p>
4- босқич. Якуний (10 мин.)	<p>4.1. Ўтилган мавзу юзасидан якуний хулоса чиқарилади.</p> <p>4.2. Мавзу юзасидан мустақил ўрганиш учун саволлар берилади (4-илова).</p> <p>4.3. Инсерт услубидан фойдаланилган</p>	<p>4.1. Тинглашади.</p> <p>4.2. Саволларни ёзиб олишади.</p> <p>4.3. Эшитади ва аниқлайди.</p>

	холда кейинги мавзуни ўқиб келишни уйга вазифа қилиб беради.	
--	--------------------------------------------------------------	--

1-илова (3.1.2.)

Амортизация ҳисоблашнинг усуллари

1. Қийматни бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули.
2. Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизация ҳисоблаш усули.
3. Тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули:
4. Сонлар йиғиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш (кумулятив усул);
5. Қолдиқни камайтириш усули.

2-илова (3.1.2.)

Бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисобдан чиқариш усули

Даврлар	Бошланғич қиймат	Йиллик амортизация суммаси	Жамланган амортизация суммаси	Баланс қиймати
Харид санаси	10.000.000	-	-	10.000.000
1 йил охирига	10.000.000	1.800.000	1.800.000	8.200.000
2 йил охирига	10.000.000	1.800.000	3.600.000	6.400.000
3 йил охирига	10.000.000	1.800.000	5.400.000	4.600.000
4 йил охирига	10.000.000	1.800.000	7.200.000	2.800.000
5 йил охирига	10.000.000	1.800.000	9.000.000	1.000.000

**Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизация ҳисоблаш
усули.**

Юк машинаси маълум миқдорда иш бажара олади, унинг юриш ҳажми (пробег) 1600000 км. ҳисобланади. Амортизация ҳаражатлари юрган ҳар бир километр учун қуйидагича ҳисобланади:

Бошланғич қиймат – қолдиқ қиймат

Тахмин қилинаётган ишлар сони

Агар бошланғич қиймат – 10000000 сўм, қолдиқ қиймат – 2000000 сўм бўлса, формулага асосан босиб ўтган 1 километри 5 сўмга тенг бўлади.

Бунда амортизация қуйидагича ҳисобланади.

Даврлар	Бошланғич қиймат	Юриши , км.	Йи ллик амор-ция суммаси	Жамғарган амор-ция	Баланс қиймати
Харид санаси	10.000.000	-	-	-	10.000.000
1 йил охирига	10.000.000	40.000	2.000.000	2.000.000	8.200.000
2 йил охирига	10.000.000	60.000	3.000.000	5.000.000	6.400.000
3 йил охирига	10.000.000	20.000	1.000.000	6.000.000	4.600.000
4 йил охирига	10.000.000	40.000	2.000.000	8.000.000	2.800.000

5 йил охирига	10.000.000	20.000	1.000.000	9.000.000	1.000.000
--------------------------	------------	--------	-----------	-----------	-----------

4-илова (3.1.1.)

Мустақил ўрганиш учун саволлар:

1. Асосий воситаларни қайта баҳолашнинг заруриятини исботланг.
2. Асосий воситаларнинг чиқими ва молиявий натижасини аниқлаш тартибини ёритинг.
3. Ижара шартномасига олинган асосий воситаларнинг ҳисобини юритишни тавсифланг.
4. Инвентаризация ўтказиш тартиби, мақсади ва натижасини ҳисобда акс эттиришни тавсифланг.

3.2. Амалий машғулотлар методикаси.

Маъруза билан биргаликда амалий машғулот ҳам ўқув жараёнининг муҳим шаклларига киради. У таълим, тарбия бериш ҳамда назарияни амалиёт билан боғлаш функциясини бажаради. Амалий машғулот кенг маънода семинар (унинг барча турлари), машқ, лаборатория ишини умумий ҳолда ифодаланишидир. Амалий машғулотнинг бир қатор шакллари бўлиб, у:

- маърузада баён қилинган назарий қонун-қоидаларни мустахкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- талабаларни илмий тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш вазифаларини бажаради.

Амалий машғулот талабаларни билим олишлари, уни пухта ўзлаштиришлари ва олган билимларини келгусида реал ҳаётда куллашни ўрганишларида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам, семинар дарсни кизиқарли, талабаларни фаол қатнашишларини таъминлайдиган методларни қўллаб, ўтиш мудим аҳамиятга эга.

Маъруза машғулотида амалий машғулотнинг асосий фарқловчи хусусиятларидан бири - бу маърузада талаба пассив рол ўйнайди, амалий машғулотда эса талабалар фаол бўлишади. Дарсда турли методларни қўллаб, уларнинг фаоллигини таъминлаш имконияти кенг. Бундан ташқари маъруза машғулоти асосан монолог тарзида баён қилинса, семинар дарси диалог асосида олиб борилади. Одатда, амалий машғулотда талабаларнинг билими, ўз устида ишлаш даражаси аниқланади, назорат қилинади.

<i>Тингловчиларнинг сони: 20-30 та</i>	<i>Вақти – 6 соат</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Мунозарали амалий машғулотлар “Блиц-сўров”, “Мунозара”, “Гуруҳларда ишлаш” усулларидан ҳамда “Кейс-стади”лардан фойдаланган ҳолда ўтказилади.
<i>Амалий машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Асосий воситалар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти. 2. Асосий воситаларни туркумлаш ва баҳолаш тартиблари. 3. Асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳужжатлаштириш. 4. Асосий воситаларнинг аналитик ҳисобини юритиш. 5. Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга ҳисобга олиш. 6. Капитал қуйилмаларни, асосий воситаларнинг кирими ва чиқимини ҳисобга олиш. 7. Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисоблаш тартиби. 8. Асосий воситаларни таъмирлаш

	<p>тартиби ва харажатларини ҳисобга олиш.</p> <p>9. Асосий воситаларни қайта баҳолашнинг зарурияти, тартиби ва натижаларини қайд қилиш.</p>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади</i></p>	<p>Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг аҳамияти, мақсади, ҳужжатлаштириш тартиби ва меъерий ҳужжатлар каби масалалар тўғрисида маълумот бериш ҳамда билимларини чуқурлаштириш.</p>
<p><i>Ўқитувчининг вазифалари:</i></p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p>
<ul style="list-style-type: none"> – асосий воситаларни туркумлаш бўйича тушунча бериш; – асосий воситалар ҳисобини юритишнинг хусусияти ва тартибини тушунтириш; – асосий воситалар ҳисобига тегишли меъерий ҳужжатлар тўғрисида ахборот бериш; – асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш, қайта баҳолаш ва таъмирлаш ҳисобини юритиш тартиби билан таништириш; – асосий воситалар ҳисобига тегишли хўжалик жараёнларидан бохабар этиш. 	<ul style="list-style-type: none"> – асосий воситаларни мустақил туркумлай олади; – асосий воситалар ҳисобини тартибга солиб турувчи меъерий ҳужжатларнинг моҳиятини тушунтиради; – ҳисобга олиш ва ҳужжатлаштириш тартибини билади; – асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблашни ва қайта баҳолашни бажара олади; – таъмирлаш харажатлари ҳисобини юритади; – турли хил чиқишлар бўйича молиявий натижани аниқлай олади.

<i>Ўқитиш усуллари</i>	Муҳокама, савол-жавоб, мавзуга йўналтирилтирувчи саволлар.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материаллар, слайдлар орқали компьютер ёки проектор ёрдамида тақдимот.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоа билан ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Проектор ёки компьютер орқали тақдимот ўтказишга ихтисослашган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулоти ташкил этишда ўқитувчининг вазифалари қуйидагилар: мотивацион вазифа (юқоридаги мавзу бўйича чуқур маънога эга саволларни қўйиб талабаларни фаннинг кейинги мавзуларини ва бошқа иқтисодий фанларни ўрганишга қизиқтириш), ўргатувчи вазифаси (мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни билан таништириш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини очиқ бериш), ривожлантирувчи вазифаси (мантқий, таҳлилий фикрлашни шакллантириш) дан иборат.

Ўқитишнинг методи ва ўрганиш техникаси бўлиб, кўргазмали куроллардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш, моделлаштирувчи ўйин, кичик гуруҳларга бўлиниб, ҳамкорликда ишлаш, савол-жавоб, тестлар, масала-машқлар ечиш кабиларни замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб амалга ошириш тушунилади. Амалий машғулоти ўтказишда доска, видеопроектор, слайдлар, дафтар, китоб, газета, журналлар, ёзув қоғозлари, ручка, қалам каби ўқитиш воситаларидан фойдаланилади.

Бу мавзунинг ўқитишга қадар талабалар билиши керак бўлган билим ва малакалар бўлиб, асосий воситалар тўғрисида дастлабки тушунчалар, уларни

шаклланиши, уларнинг ҳаракати, фойдаланиш ва ҳисобдан чиқариш ҳисобини юритиш зарурлиги кабилар ҳисобланади.

Дастлаб амалий машғулот ўтказиш учун технологик харита тузиб олиш мақсадга мувофиқдир. У қуйидаги шакллардан бири кўринишида бўлади:

Амалий машғулотнинг технологик картаси (1-машғулот)

<i>Жараёнлар ва вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Тингловчилар</i>
<i>1- босқич. Кириш (5 мин.)</i>	<p>1.1. Амалий машғулотнинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2. Машғулотда кўриладиган масалаларнинг бошқа мавзулар билан боғлиқлиги тўғрисида маълумот беради.</p>	<p>1.1. Тинглашади.</p> <p>1.2. Тинглашади ва қайд қилиб боришади.</p>
<i>2- босқич. Билимлар- ни фаол- лаштириш (15 мин.)</i>	<p>2.1. Аввалги машғулотда мустақил ўрганиш учун берилган саволлар асосида билимларни эсга солиш учун тингловчилар билан “Блиц-сўров” усулида савол-жавоб ўтказилади.</p>	<p>2.1. Саволларга жавоб беришади.</p>
<i>3- босқич. Асосий (50 мин.)</i>	<p>3.1. Машғулотда кўриб ўтиладиган режа саволларини эълон қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Асосий воситалар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти. ➤ Асосий воситаларни туркумлаш ва баҳолаш тартиблари. ➤ Асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳужжатлаштириш. ➤ Асосий воситаларнинг аналитик 	<p>3.1. Берилган маълумотларни ўзларида қайд қилиб боришади.</p> <p>3.2. Режа саволлари бўйича берилган амалий маълумотларни муҳокама</p>

	<p>ҳисобини юритиш.</p> <p>3.2. Машғулотда кўриладиган режа саволлари тўғрисида қисқа амалий маълумот беради.</p> <p>3.3. Тингловчилар 3 та кичик гуруҳларга бўлинади ва уларнинг ҳар бирига “Кейс-стади” кўринишидаги масала берилади (1-илова).</p> <p>3.4. Ҳар бир гуруҳ фаолларидан ўз гуруҳларининг чиқарган хулосалари билан қолганларни таништириш сўралади.</p>	<p>килишади.</p> <p>3.3. Гуруҳларда “Кейс-стади” кўринишидаги масалани ечадилар.</p> <p>3.4. Гуруҳ фаоллари чиқарилган хулосалар билан таништиради.</p>
<p>4- босқич.</p> <p>Якуний</p> <p>(10 мин.)</p>	<p>4.1. Ўтилган мавзу юзасидан якуний хулоса чиқарилади.</p> <p>4.2. Мавзу юзасидан мустақил ўрганиш учун саволлар берилади (2-илова).</p>	<p>4.1. Тинглашади.</p> <p>4.2. ЎУМга қарайдилар.</p>

“Асосий воситалар ҳисоби” мавзуси бўйича амалий машғулот дарсини ўтишга тайёрланишда талабаларни ахборот, дарс жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган топшириқлар билан таъминлаш мақсадида: мунозара учун саволлар тайёрлайди, мини-тест саволлари, масала-машқлар тузади, ёки кафедра томонидан тузилган бўлса, мавзу бўйича танлаб дарс ўтишга тайёрлайди, мавзу бўйича кўрғазмали ва тарқатма материаллар тайёрлайди. Дарс ўтишнинг технологик харитасини тайёрлайди. Талабалар ҳам амалий машғулотга тайёрланишади.

Амалий машғулотнинг биринчи босқичи бўлиб, кириш босқичи ҳисобланади. Бунда аввалги дарсда ўтилган мавзулар бўйича қисқача “Блиц-сўров” методини қўллаб эсга солинади. Бунда талабалар оғзаки жавоб беришади. Асосий тушунчаларни мазмунини айтишади. Сўнгра эса, янги

мавзуни эълон қилинади. Уни ўтган мавзу билан боғланади, мавзунинг мақсади, дарснинг натижаси ва уни ўтказиш учун ўқув модули birlikлари эълон қилинади. Кириш босқичи учун 5 дақиқа сарфланади.

Иккинчи босқич билимларни фаоллаштириш босқичи бўлиб, бу ўтилган машғулотлар бўйича мустақил иш мавзулари ёрдамида талабаларни билим олишида фаоллаштиришни таъминлайди. Унда ўқув модели birlikлари навбати билан муҳокама қилинади. Бу босқич учун 18-20 дақиқа вақт ажратилади.

Учинчи босқич асосий қисм бўлиб, бунда мавзуга оид ўқув модули birlikи муҳокамасида индивидуал ҳамда микрогуруҳлар билан ишлаш яхши самара беради. “Корхонада асосий ҳисобини юритиш тартиби қандай?”, “Асосий воситаларни баҳолашнинг асосий масалалар қайсилар?”, “Асосий воситалар қандай шаклланади?” каби саволлар билан “ақлий ҳужум” методи қўлланилади. Талабалар аввал индивидуал тарзда, сўнгра микрогуруҳлар миқёсида муҳокама қилиб жавоб берадилар. Ўқитувчи микрогуруҳларда айтилган фикрларни саралаб, баҳолашни амалга оширади ва муҳокамани яқунлайди. Бу жараён учун 10-12 дақиқа вақт сарфланиши мақсадга мувофиқ.

Кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида мавзу бўйича муҳокамада индивидуал тарзда талабаларнинг ишлаши амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда мавзу бўйича тузилган тестлар тарқатилади.

Талабалар тест жавоблари асосида жадвал тўлдиришади. Тест жавоблари муҳокама қилинади ва тезкор тестлар асосидаги муҳокамага ўқитувчи яқун ясайди. Бу жараён учун 8-10 дақиқа вақт ажратилади.

Амалий машғулотни ташкил этишда кичик гуруҳларга масала ва машқлар бериш юқори самарадорликка омил бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, масала-машқ ишлаганда мавзуга оид билимларнинг 50 % и талаба эсида қолар экан.¹⁶

¹⁶Д. Тожибаева. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технологиялар 2007 йил, 80-81 бетлар

Аввалдан тузилган масала ва машқлар кичик гуруҳларга тақдим этилади. Кичик гуруҳлар аъзолари биргаликда ушбу масалалар ва машқларнинг жавобларини топишга ҳаракат қиладилар.

Микрогуруҳ аъзолари ўз муносабатларини билдириб, масала-машқларни ечишади. Ҳар бир кичик гуруҳ топшириқларни ечиши ва жавобини тақдим этиши назорат қилинади ва тайёрланган топшириқларнинг жавоби микрогуруҳларга тарқатилади. Улар жавоблари билан солиштириб, ўз-ўзини баҳолаш мезони асосида иш юритадилар. Бу жараён учун 12-15 дақиқа вақт бирлиги етарли бўлади.

Учинчи якуний босқичда талабаларга ҳар бир кичик гуруҳнинг дарсда фаоллигини баҳолаш таклиф этилади: биринчи ўрин 1 балл, иккинчи ўрин 0,8 балл ва учинчи ўрин 0,6 балл.

Талабалар кичик гуруҳларда топшириқларни бажариш бўйича ва индивидуал тарзда бажарган ишлари, билдирган фикрлари асосида қўйилган балларини эълон қилишади. Шундан сўнг ўқитувчи дарсга яқун ясайди. Талабалар диққатини асосий масалага қаратади. Амалий машғулот дарсига тайёрланишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида, тушунарсиз бўлган саволларни ўқув адабиётларидан ўқиш ҳақида кўрсатма беради. Бу жараён учун 5-8 дақиқа сарфланади. Шу билан амалий машғулот дарси яқунланади.

1-илова (3.2.1.)

“Кейс-стади” кўринишидаги масала

1-гуруҳ учун:

Тузилган контрактга мувофиқ асосий восита сотиб олинди.

- Контракт баҳоси – 5 000 000 сўм
- Олиб келиш сарфи - 140 000 сўм
- Ўрнатиш сарфи – 80 000 сўм
- Синаб кўриш сарфи – 40 000 сўм

Талаб қилинади:

- Асосий восита баланс қиймати аниқлансин.
- Қабул қилиш далолатномаси тузилсин.
- Ҳаражатлар тегишли счётларда қайд қилинсин.
- Объект асосий воситаларга қабул қилинсин.

2-гурӯх учун:

Фойдаланилаётган асосий восита бошқа субъектдан сотиб олинди:

- Баланс қиймати – 6 000 000 сўм
- Эскириш суммаси – 2 400 000 сўм
- Шартнома баҳоси – 4 100 000 сўм

Талаб қилинади:

- Ушбу суммаларни тегишли счётларда қайд қилинг.
- Субъект билан ҳисоблашишни амалга оширинг.
- Муомаланинг молиявий натижасини аниқланг.
- Объектни асосий воситага қабул қилинг.

3-гурӯх учун:

Юк автотранспорти учун қуйидаги сарфлар амалга оширилди. Баланс қиймати – 8 500 000 сўм.:

- Газ ёқилғи аппарати ўрнатилди.
- Маҳсус машинадан юк машинасига айлантирилди.
- Двигатели капитал таъмирланди.
- Узатиш коробкеси таъмирланди.

Талаб қилинади:

1. Ҳаражатларни тегишли счётларда қайд қилинг.

2. Капиталлаштириладиган ва капиталлаштирилмайдиган ҳаражатларга ажратинг.
3. Ушбу ҳаражатларни тегишли счётларга ўтказинг.
4. Автомашинани таъмирлагандан кейин далолатнома билан қабул қилиб олинг.

2-илова (3.2.1.)

Мустақил ўрганиш учун саволлар:

1. Узоқ муддатли активлар нима ва уларнинг таркибини ёритинг?
2. Асосий воситаларнинг моҳияти ва ҳисобининг вазифаларини тавсифланг.
3. Асосий воситалар қандай тартибда туркумланади?
4. Асосий воситаларни баҳолаш тартибини ёритинг.
5. Асосий воситаларнинг ҳисоби қандай ҳужжатларга асосан юритилади?
6. Асосий воситаларнинг аналитик ҳисобини юритиш тартибини ёритинг.
7. Асосий воситаларнинг ҳаракати нима ва унинг ҳисоби қандай юритилади?

Амалий машғулотнинг технологик картаси (2-машғулот)

<i>Жараёнлар ва вақти</i>	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчилар
<i>1- босқич. Кириш (5 мин.)</i>	1.1. Амалий машғулотнинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради. 1.2. Машғулотда кўриладиган масалаларнинг бошқа мавзулар билан боғлиқлиги тўғрисида маълумот беради.	1.1. Тинглашади. 1.2. Тинглашади ва қайд қилиб боришади.
<i>2- босқич. Билимларн</i>	2.1. Аввалги машғулотда мустақил ўрганиш учун берилган саволлар асосида	2.1. Саволларга жавоб беришади.

и фаоллаштириш (15 мин.)	билимларни эсга солиш учун тингловчилар билан “Блиц-сўров” усулида савол-жавоб ўтказилади.	
3- босқич. Асосий (50 мин.)	<p>3.1. Машғулотда кўриб ўтиладиган режа саволларини эълон қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга ҳисобга олиш. ➤ Капитал қуйилмаларни, асосий воситаларнинг кирими ва чиқимини ҳисобга олиш. ➤ Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисоблаш тартиби. ➤ Асосий воситаларни таъмирлаш тартиби ва харажатларини ҳисобга олиш. ➤ Асосий воситаларни қайта баҳолашнинг зарурияти, тартиби ва натижаларини қайд қилиш. <p>3.2. Машғулотда кўриладиган режа саволлари тўғрисида қисқа амалий маълумот беради.</p> <p>3.3. Тингловчилар 3 гуруҳга бўлинади ва уларга тест саволлари берилади. (1-илова).</p> <p>3.4. Гуруҳ фаоллари ўз гуруҳларининг натижалари билан қолганларни таништиради.</p>	<p>3.1. Берилган маълумотларни ўзларида қайд қилиб боришади.</p> <p>3.2. Ҳар бир амалий маълумот муҳокамада қилинади.</p> <p>3.3. Берилган тест саволлари гуруҳларда мустақил ечилади.</p> <p>3.4. Гуруҳ фаоллари ўз натижаларини баён этадилар.</p>
4- босқич. Якуний (10 мин.)	<p>4.1. Ўтилган мавзу юзасидан якуний хулоса чиқарилади.</p> <p>4.2. Мавзу юзасидан мустақил ўрганиш</p>	<p>4.1. Тинглашади.</p> <p>4.2. ЎУМга қарайдилар.</p>

Кичик гуруҳларда ечиш учун тестлар вариантлари

1-гуруҳ учун:

Асосий воситаларни бузиш натижасида қурилиш материаллари олинди.

Дебет счёт кредит счёт

А) 1050 0120

Б) 1050 9423

В) 9210 1050

Г) 1050 9210

Ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган машиналар усталар томонидан таъмирланди.

Дебет счёт кредит счёт

А) 2010 2310

Б) 2310 6710

В) 2510 2310

Г) 9420 2310

Корхонанинг автотранспорти таъмирлаш заводида таъмирланди.

Дебет счёт кредит счёт

А) 2010 2310

Б) 2310 6010

В) 2010 6010

Г) 2510 6010

Корхона идораси пудратчи ташкилотлар томонидан таъмирланди.

Дебет счёт кредит счёт

- A) 9420 2310
- Б) 6010 9420
- В) 2310 6010
- Г) 9420 6010

Ишдаб чиқарувчи ускуна ва машинаси ёрдамчи цех томонидан капитал ремонт қилинди.

Дебет счёт кредит счёт

- A) 2310 2010
- Б) 2510 2310
- В) 2310 6010
- Г) 2010 6010

2-гурух учун:

Қурилаётган объектга ўрнатиш учун ускуналар топширилди.

Дебет счёт кредит счёт

- A) 0710 0810
- Б) 0810 0710
- В) 6010 0710
- Г) 0120 0710

Сотилган асосий воситанинг қиймати ҳисоблашиш счётига тушди.

Дебет счёт кредит счёт

- A) 5010 4010
- Б) 4010 5110
- В) 5110 4010
- Г) 4010 9210

Станокларни демонтаж қилиш хизмати механика цехига ҳисобланди.

Дебет счѐт кредит счѐт

А) 9210 2310

Б) 2310 9210

В) 0120 2310

Г) 0120 6010

Қўшма корхона ташкил қилиш учун енгил автомашина берилди.

Дебет счѐт кредит счѐт

А) 0810 0610

Б) 0610 9210

В) 0260 0160

Г) 9210 0160

Ижарага олинган асосий восита ижара муддати тугагандан кейин эгасига қайтарилди.

Дебет счѐт кредит счѐт

А) 0120 8511

Б) 6810 0310

В) 0310 0299

Г) 7699 0310

3-гурух учун:

Шартномага мувофиқ ижарага берувчи ижарадаги асосий воситани капитал таъмирлагани учун унинг қиймати тўловига қабул қилинди.

Дебет счѐт кредит счѐт

А) 0310 8611

Б) 6810 5110

В) 7630 4890

Г) 0310 7630

Қабул қилинган ускуналар қиймати мол етказиб берувчиларнинг счёти акцептланди.

Дебет счёт кредит счёт

- А) 0710 6110
- Б) 0710 6010
- В) 9220 0710
- Г) 0710 5110

Приватизация қилинган субъект мулкнинг таркибида бўлган ускунанинг қиймати акс эттирилди.

Дебет счёт кредит счёт

- А) 0710 5110
- Б) 0710 6010
- В) 0710 6810
- Г) 0710 8511

Ускуналарни сотиб олиш ва келтириш сарфлари ҳисобдор шахслар томонидан тўланди.

Дебет счёт кредит счёт

- А) 0710 6970
- Б) 0710 5110
- В) 0710 5010
- Г) 0710 6990

Транспорт ташкилотлари томонидан ускуналарни олиб келиш сарфлари қайд қилинди.

Дебет счёт Кредит счёт

- А) 0710 5010

Б) 0710 5110

В) 0710 6010

Г) 0710 6810

2-илова (3.2.2.)

Мустақил ўрганиш учун саволлар:

1. Ўрнатиладиган ускуналарни ва ҳисобини юритишни тавсифланг.
2. Капитал қўйилмалар ва улар қандай ҳисобга олинади?
3. Эскиришни ҳисоблаш тартибини ёритинг.
4. Асосий воситалар қандай тартибда ва ҳужжатларга асосан таъмирланади?
5. Асосий воситаларни қайта баҳолашнинг заруриятини исботланг.
6. Асосий воситаларнинг чиқими ва молиявий натижасини аниқлаш тартибини ёритинг.
7. Ижара шартномасига олинган асосий воситаларнинг ҳисобини юритишни тавсифланг.

3.3. Масалалар ва тестлар.

Ўқув жараёнида масала-машқларни қўллаш учун уларни мавзулар бўйича тузиш лозим. Масала тузишда дуч келинадиган анъанавий қийинчиликлар мавжуд:

Биринчидан, масаланинг шартларини турлича изоҳлашга олиб келишга йўл қўйилмайдиган қилиб аниқ бўлишига эришиш осон эмас. Айниқса, мумкин бўлган вариантлари бир неча хил бўлиб, уларнинг ичидан нисбатан у ёки бу мезонга кўра, энг оптимал вариантларни топиш шarti қўйилган масалаларда эҳтиёт бўлиш керак. Сабаби, масалаларнинг шarti аниқ қўйилмаслиги натижасида талабалар масала тузувчи кўзда тутмаган масалалар ечими, вариашларини таклиф қилиши ҳамда у масала шartiга,

умуман олганда, мос келиши мумкин экан. У холда ўқитувчи қийин ахволда қолади. Масалани аниқ жавобини тўғри деб топиб, талабаларни рағбатлантириш ёки шартни ноаниқлигидан фойдаланиб, кўзда тутилмаган, лекин тўғри ечиш йўлини топган талабага энг юқори балл қўйиш лозим. Уидан ташқари бир жавобнинг ўзини бир неча усул билан олиш мумкин. Ўқитувчи буни хам олдиндан аниқлаб қўйиши керак яъни масалани қайси йўл билан ечган энг юқори балл олади.

Таълим жараёнида ечиладиган масалалар математик ҳисоб-китобларни талаб қилади. Ўқитувчи масала тузар экан, талабани математикадан эмас, иқтисодий фанлардан билимини синаш лозимлигини ёддан чиқармаслиги керак. Шунинг учун яхши иқтисодий масала у ёки бу иқтисодий тушунчаларнинг мазмунини чуқур ўрганишга ундаши, масалани ечиши учун зарур даражада фанга дойр тушунча бўлиши зарурлигини тақозо қилиш керак. Математик ҳисоб-китоблар эса ёрдамчи аҳамиятига эга бўлиши зарур.

Мамлакатимиз таълим жараёни тажрибаси шуни кўрсатадики, масалаларни тузиш учун ўқитувчи фаол тажриба, малака, мохирликка эга бўлиши лозим.

Қўйилган шартга биноан мураккаблигига кўра, масалаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- Маълум бир категория, тушунчани асосий мазмунини билишга қаратилган;
- Маълум бир тушунча асосида ҳисоб-китоб қилиш, ундан хулоса чиқаришга қаратилган;
- Масалани ечиш учун мазкур категория умумий тушунча бўлишини талаб қиладиган масалалар.

Қандай масалани ечишни ўқитувчи ўтилаётган мавзу, гуруҳдаги талабаларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, танлайди.

Маълум бир категория, тушунчани асосий мазмунини ўрганишга қаратилган қуйидаги масалани кўриб чиқайлик.

Ўқитувчи масала, машқлардан фойдаланишни режалаштирар экан, албатта ўзи дарсга пухта таиерланиши, тавсия қилинадиган масала, машқларни масала, машқни ечиб, жавобини ёзиб қўйиши керак.

Дарс жараёнида масала-машқларни қўллашдаги яна бир муҳим муаммо уларни жавобини муҳокама қилиш. Одатда масала-машқнинг тўғри жавобини айтиб қўя қолинади. Вахоланки, талабанинг ёдида қолиши, мавзуни пухта ўзлаштириши, ҳисоб-китобни тўғри бажаришида масаланинг жавобини муҳокама қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун ўқитувчи масалани жавобини муҳокама қилишга эътибор қаратиши зарур. Вақт етишмайдиган бўлса, масала-машқ ечишни уйга вазифа қилиб бериб, дарсда уни тўғри ечилганлигини муҳокама қилиш мумкин.

Талабаларнинг пухта билим олишлари, уларнинг олган билимларини текширишдаги қатор афзалликларини ҳисобга олиб, иппшп пайтда кенг қўлланилаётган машқ тури тест ҳисобланадиган ечиш нихоятда кенг қўлланилиши сабабли алоҳида метод сифатида қараладиган бўлди.

Мавзуни ўрганишда тестлардан фойдаланиш, айниқса, гуруҳда тест ўтказилгач, унинг жавобларини муҳокама қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Тест тузиш кўп вақт ва меҳнат, синчковлик сабр-тоқатни талаб қилади.

Шу билан бирга, меҳнатни осонлаштирадиган компьютер дастурлари - TESTER, RESUTER мавжуд. Биринчи дастур кўпроқ тест тузишни осонлаштиришга қаратилган бўлса, иккинчиси тест ўтказиш ва натижаларини тезда ҳисоб-китоб қилиш, статистик маълумотлар олишга қаратилган. Тест саволлари тузишда, америкалик педагогларнинг кўрсатишича ўқитувчи қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

- Кўзланган мақсадга кўра, саволни аниқ қўйиш керак.
- Тестда фақат битта жавоб тўғри бўлиши керак.
- Жавобларни бири бирига ўхшаш бўлиши ва ҳақиқатга яқин бўлгани маъқул.
- Тестда иложи борича инкор этувчи феъл ва бошқалардан

фойдаланмасликка ҳаракат қилиш лозим (Масалан, юқоридаги кўрсатмалардан нима имкон бермайди? ва ҳоказо ...)

Юқорида кўрсатилганларнинг ҳаммаси (ёки юқорида кўрсатилганлардан ҳеч бири) каби таърифларни иложи борича ишлатмаслик зарур. Бир неча компонентлар (айтайлик А ва С) ни мужассамлаштирган жавобларни иложи борича кам ишлатиш, ишлатганда, тест кимлар учун тузилаётганига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Тўғри жавоб доимо бир жойда (доимо А ёки доимо Б) бўлиши керак эмас, саволлар ва жавоблар грамматик жихатдан ўзаро мос, мувофиқ бўлиши керак.

Объектив тестлар. Тестларни объектив дейилишига сабаб, унга тўғри жавоб бор, уни субъектив жихатдан баҳолашни истисно қилади.

Ундаги саволлар кўпинча далиллар, аниқ ахборотларни ёдга туширишга қаратилган. Объектив тест саволлари таксономиясининг иккинчи босқичидаги фикрлаш доирасига тўғри келади. Улар фикрлашни юқори даражада баҳолашга имкон бермайди, лекин уларни фикрлашнинг юқори босқичига тўғри келадиган қилиб тузиш мумкин. Улар татбиқ қилиш, таҳлил қилиш даражасига мос келадиган мураккабликда бўлиши мумкин, лекин бундай савол тузиш қийин. Объектив тестларнинг афзаллик томонлари ва камчиликлари. Объектив тестларнинг афзаллиги уларни кўп саволларни қамраб олишидир. Шу туфайли барча мавзулар бўйича талабалар билимини текшириш имконини беради. Билим олиш, тушуниш учун самарали услуб жуда қўл келади.

Объектив тестларни асосий камчиликларидан бири қўйилган саволларни тор доирада қамраб олишидир. Талабалардан эса кенг тасаввурга эга бўлиш талаб қилинади.

Тестларни ўқиш ва талабалар билимини баҳолашнииг усули сифатида қўллашнинг муҳим томони ҳамда мураккаблиги шундаки, айнан нима сабабдан шу жавоб тўғрилишни асослаб бериш лозим. Бунда жавобларни

объектив, тушунарли, мантиқан тўғри изохланишига аҳамият бериш керак. Тест ўтказилгач, гуруҳда жавобларни муҳокама қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабалар билимини баҳолашда тест муҳим ўрин тўтади. Бундан ташқари тест бошқа, усуллар: масала ечиш, реферат ёзиш ёки саволга оғзаки, ёки ёзма жавоб ёзиш кабилардан қуйадаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

Тестлар талабалар билимини назорат қилишнинг объектив усули ҳисобланади. Сабаби унда ўқитувчи билан талаба ўртасида вужудга келган муносабатлар ҳеч қандай роль ўйнамайди ва талаба билимини баҳолашга таъсир этмайди. Назорат иши ёки рефератда ўқитувчи талабанинг айрим хатоларидан кўз юмиб, унинг билимини юқори баҳолаши ёки аксинча, ўзининг субъектив талабларини қўйган ҳолда паст баҳолаши мумкин. Тестлар бундай хатоликдан холи.

Тестларни фақат якуний назоратда қўллаш шарт эмас. Уларни мавзуни бошлашдан аввал ҳам, жорий назорат, оралик назоратда ҳам қўллаш мумкин. Тестлар талабалар билимини бутун дастур бўйича, шунингдек тор танлаш доирасида алоҳида аҳамиятга эга ёки анъанавий ўзлаштириш қийин тушунча ҳақида мавзулар бўйича назорат қилиш, баҳолаш имконини беради.

Тестлар талабалар билимини тез текшириш имконини беради. Чунки бутун гуруҳни билимини текшириш учун жуда кам вақт талаб қилади. Бу, айниқса, оралик тестлар ўтказиш учун қулай, чунки тест жавобларига кўра ўқитувчи дастур бўйича ўз ишини, дарс ўтиладиган саволларни кўриб чиқади, келгусида дарс утиҳда қайси саволларга аҳамият бериши мўлжаллайди.

Америкалик мутахассис Бенжамин Блум билим олиш, ўрганишнинг босқичли моделини ишлаб чиқиб, уни олти босқичга бўлганини кўриб чиққан эдик. У билиш, тушуниш, татбиқ этиш, таҳлил қилиш, синтез (умумий хулоса чиқариш), баҳолашдан иборат эди. Тестлар мураккаблигига кўра, ана шу босқичларнинг қайси даражасига тўғри келиши билан фарқланади. Бунда тестларни тахминан уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Блум таксаномиясининг биринчи ва иккинчи «билиш ва тушуниш» босқичларига мос келадиган нисбатан унча мураккаб бўлмаган тестлар. Таксаномиянинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи «тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш ва синтез қилиш» босқичларига тўғри келадиган ўртача мураккаб тестлар.

Ўқитувчи тестларни мураккаблиги даражасига кўра, жавоблар учун вақтни ҳар бир тест учун 1 дақиқа ёки ундан кўпроқ белгилаши мумкин. Талабалар тестларга жавоб берар эканлар, уларга қуйидагиларни уқтириш лозим:

1. Кузатишлар кўрсатадики, кўпинча биринчи интуитив жавоб тўғри бўлади.

2. Тестни ҳар кимнинг ўзи ечгани маъқул. Талабаларнинг билим олиши ва уларни олган билимини баҳолашнинг усули сифатида тестларни қўллашнинг муҳим томони, нима сабабдан шу жавоб тўғрилигини асослаб беришдир. Бунда жавоб объектив, тушунарли, мантиқан тўғри изоҳланишига аҳамият бериш керак.

Ўқув жараёни технологияси алоҳида олинган битта дарсга, битта мавзуга ёки ўқув предметининг бир қисмига ва бутун ўқув предметига тузиб чиқиши мумкин. Илғор педагогик технологияни яратиш тамойилларининг биринчиси – муайян дарс, мавзу, қисм, ўқув предметидан кутилган асосий мақсадни шакллантириб олиш; икинчиси – умумий мақсаддан келиб чиқиб дарсни ёки ўқув предметини модулларга ажратиб, ҳар бир модулдан кутилган мақсадни ва модуллар ичида ҳал қилиши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш; учинчиси - модул ичида ечиладиган масалаларнинг ҳар бири бўйича тест саволларини тузиб чиқиш; тўртинчиси - мақсадлар аниқ бўлиб, тест саволлари тузилгандан кейин, мақсадларга етиш усуллари танланиб, уларни ишлатадиган аниқ жойларни белгилаб олиш.

Таълим жараёнига технологик ёндашув пайтида, аввал айтиб ўтганимиздек, тизимли ёндашув тамойилига биноан дарс қисмлари

орасидаги зарурий боғлиқликларга ва фанлараро алоқаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу педагогик технологиянинг бешинчи тамойили ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, методика бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳамда услублар яратишда замоннинг энг илғор усулларида бири – ҳар бир нарса ва ҳодисага тизим сифатида ёндашиш зарур. Акс ҳолда фаолият анъанавий тус олиб, кечаги кунни ифода этиб қолади. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай педагогик фаолият давомида педагогик технология тамойиллари марказий ўринда туриши керак. Шундагина педагогик фаолият замонга мос бўлиб, жамият ижтимоий буюртмасини шараф билан бажариш мумкин.

Биринчи машғулот

“Кейс-стади” кўринишидаги масала

1-гурӯҳ учун:

Тузилган контрактга мувофиқ асосий восита сотиб олинди.

- Контракт баҳоси – 5 000 000 сўм
- Олиб келиш сарфи - 140 000 сўм
- Ўрнатиш сарфи – 80 000 сўм
- Синаб кўриш сарфи – 40 000 сўм

Талаб қилинади:

1. Асосий восита баланс қиймати аниқлансин.
2. Қабул қилиш далолатномаси тузилсин.
3. Ҳаражатлар тегишли счётларда қайд қилинсин.
4. Объект асосий воситаларга қабул қилинсин.

2-гурӯҳ учун:

Фойдаланилаётган асосий восита бошқа субъектдан сотиб олинди:

- Баланс қиймати – 6 000 000 сўм
- Эскириш суммаси – 2 400 000 сўм
- Шартнома баҳоси – 4 100 000 сўм

Талаб қилинади:

1. Ушбу суммаларни тегишли счётларда қайд қилинг.
2. Субъект билан ҳисоблашишни амалга оширинг.
3. Муомаланинг молиявий натижасини аниқланг.
4. Объектни асосий воситага қабул қилинг.

3-гурӯҳ учун:

Юк автотранспорти учун қуйидаги сарфлар амалга оширилди. Баланс қиймати – 8 500 000 сўм.:

- Газ ёқилғи аппарати ўрнатилди.
- Махсус машинадан юк машинасига айлантирилди.
- Двигатели капитал таъмирланди.
- Узатиш коробкаси таъмирланди.

Талаб қилинади:

1. Ҳаражатларни тегишли счётларда қайд қилинг.
2. Капиталлаштириладиган ва капиталлаштирилмайдиган харажатларга ажратинг.
3. Ушбу харажатларни тегишли счётларга ўтказинг.
4. Автомашинани таъмирлагандан кейин далолатнома билан қабул қилиб олинг.

2. Иккинчи машғулот

“Кейс-стади” кўринишидаги масала

1-гурӯҳ учун:

Компания ўзининг мустақил балансга ажратилган бўлинмасига патентини сотди:

- бошланғич баҳоси	- 500000
- эскириш суммаси	- 180000
- қолдиқ қиймати	- 320000
- ҚҚС	- ----

- Келишилган баҳо - 440000 с.

Талаб қилинади:

ҚҚС суммаси аниқлансин.

Ушбу муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

Муомала бўйича молиявий натижа аниқлансин.

2-гуруҳ учун:

Компания ўзига тегишли компьютер дастурини бошқа фирмага сотди:

- бошланғич қиймати - 350000

- қопланмаган ҚҚС - 40000

- эскириш суммаси - 60000

- ҚҚС - ----

- Шартнома баҳоси - 360000 с.

Талаб қилинади:

1. ҚҚС суммаси аниқлансин.

2. Ушбу муомалалар тегишли счётларда қайд қилинсин.

3. Муомала бўйича молиявий натижа аниқлансин.

3-гуруҳ учун:

“Махмуд” компанияси янги турдаги телевизорларни тайёрлади. Бу компания телевизорларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. Компания бухгалтерларининг ҳисобига қараганда ушбу маҳсулотга сарфланган меҳнат ҳақи хом-ашё ва материаллар, синаб кўриш ва бошқа харажатлар 1200000 сўмни ташкил қилган. Ушбу сарфларни бухгалтерия ҳисоби счётларида қандай қайд қилиш лозим?

Асосий воситалар бўйича куйидаги оперицияларга бухгалтерия ўтказмаларини беринг.

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Қуриб битказилган ва фойдаланишга		

	топширилган объектларнинг асосий воситалар таркибига ўтказилиши		
2	Асосий воситаларни ҳақиқий таннархи бўйича харид қилиниши (бошланғич қиймати)		
3	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган объектларни молиявий ижара шартномаси тугагандан кейин асосий воситалар таркибига қабул қилиниши		
4	Таъсисчиларнинг устав капиталига улуш (пай) сифатида киритган ёки акцияларга тўлов сифатида келиб тушган асосий воситаларнинг кирим қилиниши		
5	Асосий воситаларнинг текинга келиб тушиши		
6	Асосий воситаларнинг ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан келиб тушиши		
7	Қўшимча қуриш, ускуналар ўрнатиш, модернизация, реконструкция қилиш ва бошқа сифат жиҳатдан яхшилаш натижасида асосий воситалар бошланғич қийматининг кўпайиши		
8	Ерни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибига киритиш		
9	Молиявий ижарага олинган асосий воситаларни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибига киритиш		
10	Ишчи ва маҳсулдор хайвонларнинг асосий		

	воситалар таркибига кирим қилиниши		
11	Асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши		
12	Тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, молиявий ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш		
13	Ажратилган бўлинмаларга асосий воситаларни берилиши		
14	Қонунчиликда белгиланган тартибда консервация қилинган асосий воситалар		

Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар бўйича қўйидаги бухгалтерия ўтказмаларини беринг.

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш		
2	Умумишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш		
3	Савдо корхоналарида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш		
4	Маъмурий мақсадлар учун фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш		

5	<p>Қуйидаги мақсадларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш:</p> <p>а) янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида;</p> <p>б) умумий ёки яқка тартибда ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришда;</p> <p>в) қазиб чиқарувчи тармоқлардаги тайёргарлик ишларида.</p>		
6	Ишчи хайвонларга эскириш ҳисоблаш		
7	Кўп йиллик ўсимликларга эскириш ҳисоблаш		
8	Жорий (қисқа муддатли) ижарага берилган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш		
9	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хусусий асосий воситалар таркибига ўтиши натижасида уларга ҳисобланган эскириш суммасини ўтказиш		
10	Молиявий ижара шартномасининг муддати тугагандан кейин ижарага берувчига қайтариладиган асосий воситаларнинг эскиришни ҳисобдан чиқариш		
11	<p>Асосий воситаларнинг эскиришини қайта баҳолаш:</p> <p>а) қиймати оширилганда</p> <p>б) қиймати камайтирилганда</p>		
12	Асосий воситаларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида		

	бериш, молиявий ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида уларга ҳақиқатда ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш		
--	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--	--

Мавзунини ўқитишда қўллаш учун тест саволлари намуналари:

1. Чиқиб кетган асосий воситалар объектларининг бошланғич қиймати акс эттирилди (сотиш, ҳисобдан чиқариш, текинга бериш)

	А	Б	В	Г
Дебет	9210	9210	9210	9210
Кредит	0110	0120	0130	0140

2. Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган материаллар кирим қилинди (мумкин бўлган фойдаланиш нархи бўйича).

	А	Б	В	Г
Дебет	1040	1010	1090	1020
Кредит	9210	9210	9210	9210

3. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича муомалаларнинг бир ойлик молиявий натижалари аниқланди ва ҳисобдан чиқарилди (фойда).

	А	Б	В	Г
Дебет	9210	9220	9220	9210
Кредит	0140	9320	9310	9310

4. Асосий воситаларнинг узоқ муддатли лизинг шартномаси бўйича фоизларини тўлашга ажратилган суммалар акс эттирилди.

	А	Б	В	Г
Дебет	9610	9610	9620	9620
Кредит	6820	6810	6820	6810

5. Сотиб олинаётган асосий воситаларнинг қиймати чек билан тўланди.

	А	Б	В	Г
Дебет	0800	0810	0820	0830
Кредит	5520	5510	5530	5110

Хулоса

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлар асосида асосий воситалар ҳисобининг ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартибига доир битирув малакавий ишимизнинг натаижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келинди.

Жамият тараққиёти бевосита унинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари билан белгиланиши ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз ривожланишининг асосий элементлари - корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятида намоён бўлади.

Асосий воситалар - корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тугаб туриладиган моддий активлар. Асосий воситалар - ҳар қандай корхонанинг, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг моддий-техника базасидир. Аниқроғи асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган бошқа меҳнат воситалари ҳисоблашди. Шунини таъкидлаш лозимки, қайсидир бир объектни асосий воситалар таркибига киритиш учун, у мустақил равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигини назарда тутиш керак.

Асосий воситалар бажарадиган вазифасига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари бевосита моддий неъматларни яратишда иштирок этадиган воситаларидир. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари гуруҳига уй-жой ҳамда коммунал хўжалик, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларнинг асосий воситалари киритилади.

5-сонли «Асосий воситалар» номли БҲМС га мувофиқ корхона ихтиёрига келиб тушадиган асосий воситалар объектининг қиймати корхона балансига киритилади. Корхонага асосий воситалар қуйидаги ҳолларда киритилган ҳисобланади ва бухгалтерияда акс эттирилади:

- капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;
- олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- устав сармоясига таъсисчи улуши кўринишида келиб тушиш;
- ҳада шартномаси бўйича текинга келиб тушиш;
- айирбошлаш;
- товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;
- узок муддатли ижара шартномаси бўйича олиш;
- қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;
- асосий воситаларнинг ортиқча объектларини аниқлаш.

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона баланси ҳисобидан чиқарилади:

- тугатиш;
- сотиш;
- айирбошлаш;
- текинга бериш;
- устав сармоясига муассис улуши сифатида бериш;
- узок муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш;
- камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;
- иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши

Корхоналар асосий воситаларнинг. Шунингдек улар эскиришининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги йиғма маълумотларни акс эттириш “Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида” ги ҳисобот (3-шакл) нинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Ҳисобот 12 асосий устунчадан иборат бўлиб, унинг 1 ва 2-устунчаларида асосий воситалар гуруҳларининг номи ва сатр рақами кўрсатилади. 3, 4, 5, 6-устунчаларда асосий воситаларнинг давр бошидаги қолдиғи, давр ичидаги кирими, чиқими ва давр охиридаги қолдиғининг суммалари бошланғич қиймат бўйича кўрсатилади. Ҳисоботнинг 7, 8, 9, 10-сатрлари асосий воситалар бўйича жамланган

эскиришнинг давр бошидаги қолдиғи, давр ичидаги кўпайиши, камайиши ва давр охиридаги қолдиғи суммаларини кўрсатишга мўлжалланган.

Мамлакатнинг ривожланиш даражаси, ахборот асрида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шуни кўрсатадики, ёшларни етук, вазиятни тезда баҳолайдиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри ва оқилона қарор қабул қила оладиган малакали мутахассис қилиб тайёрлаш учун фақат анъанавий услубларга таяниб дарс ўтиш етарли эмас. Бу эса таълим тизимида жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланишни талаб этади.

Бозор муносабатлари шароитида республикаимиз иқтисодиётини эркинлаштириш ва турли соҳалардаги ислохотларни янада чуқурлаштириш билим олишга, иқтисодиёт сир-асрорларини ўрганишга бўлган ҳаракатни, фанни чуқур ўрганишга бўлган талабларни ҳам кучайтирди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий қонунларни яхши билладиган, турли вазиятларни таққослаш, иқтисодий ресурслар чекланганлиги шароитида самарали хўжалик юритиш учун муқобил вариантларни тўғри танлаш ва қарор қабул қилиш малакасига эга бўлган иқтисодчилар тайёрлашнигина эмас, балки уларни ўқитадиган иқтисодчи-педагоглар тайёрлашни ҳам талаб қилади. Шу талаб юзасидан биз таклиф этаётган методик ишланмалар ўқитиш амалиётида ўзининг ижобий самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси,-Т. Адолат, 1999 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида» ги Қонуни, 1992 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби"ги Қонуни. Тошкент, 1996 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари. Т.: Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 2007 й.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т, Ўзбекистон, 1998 йил.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т, Ўзбекистон, 1999 йил.
8. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». -Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005 йил.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008 йил.
11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Т.:Иқтисодиёт, 2009 йил.
12. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сонли қарори
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, Халқ сўзи газетаси 2011 йил 21 май сони.
16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
17. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
18. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. – Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
19. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.
21. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистоннинг 19 йил мустақил тараққиёт йўлида жамиятни модернизациялаш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг дадил одимлари ва муваффақиятлари: талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш учун ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий мавзуда илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. .
22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010.
23. И. Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусида 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 22 январ 16-сон.
24. Асосий воситаларни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш.Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёти, 2003 йил
25. Бобожонов О., Жуманиёзов Б. Молиявий ҳисоб.-Т. Шарқ. 2000 й.

26. Ваҳобов А, Иброҳимов А. Моливий таҳлил. -Т. Шарқ. 2002 й.
27. Гадоев Э. ва бошқ. Асосий воситаларни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёти, 2003 й.
28. Завалишина И. Янгича бухгалтерия ҳисоби. -Т. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 2004 й.
29. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Т.:Истеъдод жамғармаси, 2008.
30. Каримов А ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. -Т. Шарқ. 2004 й.
31. Очилов И. ва бошқ. Молиявий ҳисоб-2.-Т. Молия.2004 й.
32. Пардаев А. Бошқарув ҳисоби.-Т. Академия, 2002 й.
33. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т.: Фан ва технология, 2007.
34. Тожибоева Д., Н.Хўжаев, Г.Авалова . Иқтисодий педагогика. Т.: Фан ва технология, 2008.
35. Хўжаев Н., Тожибоева Д. ва бошқалар. Касбий таълим методикаси. Ўқув қўлланма, Т.: ТДИУ 2007.
36. Умарова М ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби., -Т. «ЎАЖБНТ» маркази 2004 й.
37. Гуломова Ф.Ф. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганувилар учун қўлланма. -Т. «Норма маслаҳатчи» нашриёт уйи. 2010 й.
38. <http://www.ref.uz>.
39. <http://www.saldo.ru>.
40. [www. inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru)
41. <http://www.iiia.org.uk>
42. <http://www.ziyonet.uz>.

Аннотация

Мамлакатимизда корхоналар фаолиятида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида улар фаолияти мўътадиллиги таъминлашнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналар фаолияти давомида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланишлари ривожланиш истикболларини белгилайди.

Асосий воситалар - ҳар қандай корхонанинг, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг моддий-техника базасидир. Аниқроғи асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган бошқа меҳнат воситалари ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби фанининг ДСТ ва намунавий дастурлари асосида асосий воситалар ҳисобининг ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби жараёнлари билан шуғулланиш, мавзуни ўқув юртларида ўқитишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, тадқиқот ишимиз долзарблигини кўрсатиб беради.